

БАХТЛИ БЎЛМОҚ УЧУН

**Тошкент
«O'zbekiston»
2020**

УЎК 28-055.2
КБК 86.38
Қ 24

Таржимон:
Саидхон қори Ҳақимжон Махсум

Масъул муҳаррир:
Даврон НУРМУҲАММАД

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг
2020 йил 21 январдаги 429-сонли хулосаси асосида
нашрга тайёрланди.*

ISBN 978-9943-25-961-4

© Саидхон қори Ҳақимжон Махсум, 2020
© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2020

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм
Муқаддима

Аллоҳ таолога ҳамд, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга, у зотнинг саҳобалари ҳамда аҳли оилаларига салавот ва саломлар бўлсин!

Ушбу кичик китобга катта китобларнинг хулосасини киритдим ва уни **“Бахтли бўлмоқ учун”** дея номладим. Ундаги маълумотларни такрорлаб туришингиз ҳамда уларга амал қилишингиз учун қоидалар шаклида тартибладим. Китобдаги ҳикматли сўзларни кўпроқ **“Маҳзун бўлма”** номли асаримдан ва бошқа ўнлаб китоблардан саралаб олдим.

Аллоҳ таолодан ўзимга, сизга икки дунё ва охирадда абадий саодат ҳамда доимий муваффакият сўрайман. Албатта, У зот барча нарсага қодирдир. Ҳадямни қабул қилгайсиз.

Шайх Оиш ал-Қарний

1421 йил, 4 сафар.

2000 йил, 8 май.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

• Иймон ташвишларни кетказади, ғамларни аритади. У мўминларнинг кўз қувончи ва юпанчидир.

• Ўтган нарса ўтди, кетгани кетди. Сиз улар ҳақида ўйлаб ўтирманг, чунки у нарсалар энди йўқ.

• Муқаррар тақдирингиз ва сизга тақсимланган ризкингизга рози бўлинг. Барча нарса ўлчаб, белгилаб қўйилган.

• Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топади, гуноҳлар ўчирилади. У ила ғайб (махфий) нарсаларни билувчи Зот рози бўлади, ғам-ташвишлар йўқолади.

• Ҳеч кимдан ташаккур кутманг, сизга яккаю ягона бўлган Зот берадиган ажр-савоб кифоя қилади. Сиздан нафратланадиган, сизга ҳасад қиладиганларга умуман эътибор қилманг.

• Агар тонгда уйғонсангиз кеч киришини кутманг, бугун билан яшанг. Бор диққат-эътиборингизни бугунингизни ислоҳ этишга қаратинг.

• Келажак келгунича у ҳақида ўйлашни тўхтатинг, эртанги кун борасида ғам чекманг. Бугунги кунни тўғрилашингиз эртангизни ҳам ислоҳ қилади.

• Қалбингизни ҳасаддан тозаланг, ундан нафрат ҳиссини суғуриб олинг. Душманлик ва адоватни бутунлай кетказинг.

• Инсонларга фақат яхши ишлардагина аралашинг. Кўпроқ хонадонингизни ошно тутинг, ўз ишларингиз билан шуғулланинг.

• Китоб энг яхши дўстдир. Шундай экан, сиз улар билан суҳбат қуринг ва илм-маърифатга ошно бўлинг.

• Бутун коинот тартиб устига бино қилинган. Сиз ҳам кийинишингиз, уйингиз ва барча ишларингизда тартибли бўлинг.

• Тоза ҳавога чиқинг, гўзал боғларни сайр қилинг. Аллоҳ таоло яратган мўъжизаларни томоша қилиб завқ олинг.

• Пиёда юриш ва спорт билан мунтазам шуғулланишни йўлга қўйинг. Дангасаликдан четланинг ва бекорчиликни тарк этинг.

• Тарихни ўрганинг, унинг ажойиботлари борасида тафаккур қилинг. Тарих сизга сўзлаб бераётган қисса ва хабарларга кулоқ тутинг.

• Ҳаётингизни янгиланг, яшаш услубларингиз хилма-хил бўлсин. Ўзингиз яшаётган эски ҳаёт тарзини ўзгартиринг.

• Чой ва қаҳва каби нарсаларни жуда кўп истеъмол қилишдан тийилинг. Сигарета, чилим чекиш ва шу каби иллатлардан сақланинг.

• Кийимингиз тозалигига эътибор қилинг. Сиздан гўзал ҳид таралиб туриши учун мисвок ва хушбўйликлар ишлатинг.

- Сизни тушкунликка соладиган, умидсизликка чорлайдиган ва нафратга ўргатадиган китобларни ўқиманг.

- Роббингиз раҳмати ва мағфирати кенг Зот экани, тавбаларни қабул қилиб, гуноҳларни кечириши ҳамда гуноҳларни ажр-савобга ўзгартиришини ёдда тутинг.

- Роббингиз сизга берган дин, ақл, саломатлик, кўриш, эшитиш, фарзанд ва бошқа неъматлар учун шукур қилинг. Ахир, инсонлар орасида ақли, соғлиғи, тинчлиғи, фарзанди ёки озодлигини йўқотганлар ҳам борлигини билмайсизми?

- Қуръон ёдланг, тиловат қилинг, тинглаб, тафаккур этинг, у билан бирга ҳаёт кечиринг. Чунки Қуръон ғам-ташвишни аритувчи энг катта даводир.

- Аллоҳга таваккал қилинг, ишларингизни Унга топшинг. Унинг ҳукмига рози бўлинг, Ундан паноҳ сўранг ва Унгагина суянинг. У Зотнинг Ўзи етарлидир.

- Сизга зулм қилганни афв этинг, сиз билан ўртадаги алоқани узганлар билан ришталарни тикланг. Сизни маҳрум этганларга сиз ёрдам кўлини чўзинг ва сизга ёмонлик қилганларга яхшилик қилинг. Шунда хотиржамлик ва бахтга эришасиз.

- “Лаа ҳавла вала қуввата илла биллаҳ” (Куч ва қувват фақат Аллоҳга хосдир) зикрини кўпроқ такрорланг. Чунки у калбни очади, ҳолингизни ислоҳ этади, у ила кийинчиликлар арийди ва Аллоҳ рози бўлади.

- Истиғфorni кўпайтиринг. Чунки у ризқ, мам-нунлик, фарзанд, манфаатли илм ва гуноҳлар ўчирилишининг сабабчисидир.

- Сизга берилган неъматлар: кўринишингиз, маошингиз, аҳли оилангиз ва уй-жойингизга рози бўлинг. Шунда роҳат ва саодатга эришасиз.

- Шуни билингки, қийинчиликдан сўнг енгиллик, ғам-ташвиш кейин эса албатта бахт келади. Чунки бир ҳол доимий давом этмайди, бу кунлар ҳам ўтиб кетади.

- Яхшилик умидида бўлинг, умидингизни сўндирманг. Роббингиз борасида яхши гумон қилинг ҳамда Ундан барча яхши ва гўзал нарсаларни кутинг.

- Аллоҳ сизга ихтиёр қилган нарсаларга хурсанд бўлинг. Чунки сиз асл манфаат қаерда эканини билмайсиз. Гоҳида қийинчилик сизга енгилликдан кўра фойдалироқ бўлиши мумкин.

- Мусибатлар Аллоҳга яқинлаштиради, дуога ўргатади ҳамда кибр, фахр ва манманликни кетказди.

- Унутманг! Аллоҳ сизга улкан неъматлар ва яхшилик хазиналарини берган.

- Бахт-саодатга эришиш учун касалларни зиёрат қилиш, фақирларга ёрдам бериш ва етимларга раҳм-шафқат кўрсатиш билан инсонларга яхшилик қилинг ҳамда бутун башариятга эзгулик тақдим этинг.

- Ёмон гумонлардан сақланинг, турли ёмон ва бузук ўй-хаёлларни тарк этинг.

- Шунинг билан, мусибатга учраган биргина сиз эмассиз. Ҳеч ким ғам-ташвишдан омонда қолмаган, бирор инсон қийинчилик кўрмай ҳаётдан ўтмаган.

- Ишонинг, дунё – қийинчилик, имтиҳон, бало ва офатлар диёри. Уни ўз ҳолича қабул қилинг ва Аллоҳдан ёрдам сўранг.

- Ҳаёт йўлида сиздан олдин ўтган ҳибс қилинган, қатл этилган, мусибатга учраган. Улар ҳақида тафаккур қилиб кўринг.

- Сизга етган ҳар қандай ғам-ташвиш, маҳзунлик, фақирлик, касаллик, қарз ва мусибатларнинг барчасида Аллоҳдан ёрдам сўранг.

- Шунинг билан, қийинчиликлар кўзни очади, қалбни тирилтиради, нафсни жиловлайди ҳамда ажр-савобларни зиёда қилади.

- Фалокат ва ёмонликларни қутманг, миш-мишларга ишонманг, ваҳимали хабарларга таслим бўлманг.

- Жуда кўп кўркилган нарсалар воқеликда рўй бермайди, қулоққа чалинадиган кўпгина воқеалар аслида бўлмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳнинг Ўзи кифоя, Ўзи ёрдам берувчидир.

- Манфур ва ҳасадгўй инсонлар билан дўст бўлманг. Чунки улар руҳингиз учун безгак каби касаллик ҳамда ғам-ташвиш ва маҳзунлик элчиларидир.

- Ҳамиша беш вақт намознинг биринчи такбирига етиб боришга интилинг, масжидда ўтиришни кўпай-

- Қалби ва руҳияти кучли, жасур инсон бўлишга ҳаракат қилинг. Ғайрат ва шижоатингиз бўлсин. Ҳар хил миш-мишлар сизни алдаб қўйишига йўл қўйманг.

- Сахий инсон бўлинг, Чунки сахийлик қалбга сурур бағишлайди. Сахий инсон кўнгли ёруғ, масрур бўлади. Бахил эса кўнгли тор, қалби қоронғу ва ақли лойқаланган инсон бўлади.

- Инсонларга очиқ чеҳра билан муносабатда бўлинг, шунда уларнинг мухаббатига эришасиз. Уларга юмшоқ ва камтарлик билан муомала қилсангиз уларнинг қалбидан жой эгаллайсиз.

- Ёмонликларга яхшилик билан жавоб беринг, инсонларга меҳрибон бўлинг ва нафрат оловини сўндиринг. Душманларни камайтириб, дўстларни кўпайтиринг.

- Ота-онанинг дуоסי бахт-саодатнинг энг катта сабабларидандир. Шундай экан, уларнинг дуолари сизга барча ёмон нарсалардан кўрғон бўлмоғи учун уларга яхшилик қилиб дуоларини олишни ғанимат билинг.

- Инсонларни бориचा қабул қилинг, улардан етадиган озорларни кечириб юборинг. Шуни билингки, бу ҳолатларнинг барчаси Аллоҳ таоло ҳаётда жорий қилган нарсалардир.

- Идеал инсонлар орасида эмас ўз воқелигингизда яшанг. Сиз инсонлардан ўзингиз қила олмайдиган ишларни талаб қилмоқдасиз, биров адолат қилинг.

- Одми ҳаёт кечиришга интилинг, исрофгарчилик ва дабдабаларни тарк этинг. Чунки жисм дабдабага ўргангани сари руҳ заифлашиб боради.

- Кундалик ҳолатларда қилинадиган зикрларни доимий бажаришга одатланинг. Чунки улар сиз учун қўрғон ва қалкон бўлиб, кунингизни тўғрилиқ узра, манфаатли тарзда ўтказишингизга ёрдам беради.

- Ишларингизни тақсимланг, уларни бир вақтга йиғманг. Яхши натижаларга эришиш учун ишларни орасида танаффуслар бўлган турли вақтларга тақсимлаб олиш лозим.

- Жуда кўп инсонларга берилмаган неъматлар берилганини билишингиз учун жисми, кўриниши, мол-мулки, уйи ва лавозими сиздан пастроқ бўлганларга назар ташланг.

- Сиз муомала қилаётганлар: ака-ука, дўст-биродар, фарзанд ва яқинларингизнинг бирортаси камчиликлардан холи эмас. Шундай экан, барчани ўз ҳолича қабул қилинг.

- Доимо сизга берилган истеъдод устида ишланг, ўзингиз роҳат қиладиган бирор илм билан шуғулланинг, у сабаб ризқланаётган ишингиз ва ўзингизга муносиб ишда бардавом бўлинг.

- Инсонларнинг қалбига жароҳат етказишни тўхтатинг. Тили саломат, сўзи гўзал ва бошқалар унинг зараридан омонда бўладиган инсон бўлинг.

- Сабр айбларни яширади, ақл билан иш тутиш хатоларни беркитади, сахийлик камчилик ва нуқсонларни тўсади.

- Бир муддат бўлса ҳам ўзингиз ёлғиз қолинг ҳамда қилаётган ишларингиз ҳақида ўйлаб кўринг, нафсингизга мурожаат, охиратингиз ва дунёингизни ислоҳ қиладиган нарсалар ҳақида тафаккур қилинг.

- Уйингиздаги кутубхона яшил бўстонингиз ва гўзал гулзорингиздир. Шундай экан, уни уламо, ҳаким, адиб ва шоирлар билан бирга сайр этинг.

- Ҳалол ризқ топинг, ҳаромдан сақланинг ва инсонлардан сўрашдан четланинг. Мансабдан кўра тижорат фойдалироқ бўлади. Шунинг учун молингиз билан тижорат қилинг ва ўртача яшашга интилинг.

- Одми кийинишга ҳаракат қилинг. Либосингиз ўта башанг ҳам, ўта ёмон ҳам бўлмасин. Кўпчилик инсонлар каби бўлишга интилинг.

- Ғазабланманг! Чунки ғазаб инсон табиатини бузади, хулқ-атворни ўзгартиради, ҳаётни ёмонлаштиради, ўртадаги ришталарни узади ва муҳаббатни йўқ қилади.

- Ҳаётингизни янгилаш учун сафарларга чиқиб туринг. Бошқа оламлар, сиз учун янги бўлган давлат ва шаҳарларга саёҳат қилинг. Чунки сафар ҳам бир роҳатдир

- Ўзингиз билан ён дафтарча олиб юришга одатланинг. Унга қиладиган ишларингизни ёзасиз,

вақтингизни режали тартиблайсиз, ваъдаларингизни белгилаб қўясиз ва мулоҳазаларингизни ёзиб борасиз.

- Одамларга биринчи бўлиб салом беринг, табассум билан муомала қилинг ва эътиборли бўлинг. Шунда уларга яқин ва суюкли инсон бўласиз.

- Ўзингизга ишонинг, инсонларга суяниб қолманг. Сизга манфаат берадиган ҳам, сизни қўллайдиган ҳам факатгина Аллоҳ таолодир. Роҳат-фароғат пайтидаги дўстларга ишониб қолманг.

- Бугунги ишингизни эртага қолдирманг. Сизга юклатилган ишларни орқага суришингиз муваффақиятсизлик ва омадсизликнинг энг биринчи сабабидир.

- Бир қарорга келишда иккиланманг, турли вазиятларда каловланмасликка ҳаракат қилинг. Бунинг ўрнига азму қарор қилинг ва олдинга интилинг.

- Умрингизни турли мутахассислик, иш ва меҳнат турлари орасида кўчиб юриб зое қилманг. Чунки бу нарса ҳеч нарсага эриша олмаслигингизга олиб боради.

- Солиҳ амаллар, мусибатлар, тавба, дуо, Аллоҳ таолонинг раҳмати ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатлари каби хатоларни ўчириб юбуровчилар борлигидан қувонинг.

- Оз бўлсада садақа қилишга интилинг. Чунки у хатоларни ўчиради, қалбни шодлантиради, ғамташвишни кетказди ва ризқни зиёда қилади.

- Ўзингизга Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни намуна қилиб олинг. Чунки у зот саодатга олиб

борувчи раҳбар, муваффақият томон етакловчи ва нажотга элтувчи буюк инсондир.

- Аллоҳнинг сизга берган саломатлик неъматини билиш учун шифохонага, озодлик неъматини ҳис этиш учун қамоқхонага ва ақл неъматини англаш учун руҳий касаллар шифохонасига боринг. Чунки сиз ўзингиз билмайдиган даражадаги неъматлар ичидасиз.

- Арзимас нарсалар сизни синдириб қўймасин. Муаммоларга жуда катта баҳо берманг ҳамда воқеа-ҳодисаларни катталаштириб, “пашшадан фил ясаш”дан сақланинг.

- Бағрикенг бўлинг. Хотиржам ва сокин яшаш учун сизга ёмонлик қилганларга узр топишга ҳаракат қилинг. Интиқом олишдан тийилинг.

- Душманларингизни ғазабингиз ва маҳзунлигингиз билан хурсанд қилманг. Чунки айти шу нарса уларнинг орзусидир. Уларнинг қимматли орзуларини амалга ошириб ҳаётингизни лойқалатманг.

- Қалбингизда адоват, гина, ҳасад ва инсонларга нисбатан нафрат оловини алангалатманг. Чунки бу нарса доимий азобдир.

- Инсонлар даврасида маданиятли бўлинг, фақатгина яхши нарсаларни гапиринг. Очиқ юзли бўлинг, сиз билан бирга ўтирганларни эҳтиром қилинг. Уларнинг сўзларига кулоқ тутинг ва гапларини бўлиб қўйманг.

- Пашша каби фақат жароҳатларга кўнадиган бўлманг. Инсонларнинг обрўларини тўкиш, уларнинг нуқсонларини айтиш ҳамда хато-камчиликларидан хурсанд бўлишдан сақланинг.

- Мўмин инсон дунё матоҳини йўқотишдан хафа бўлмайди, унга эътибор бор ҳам бермайди ва унинг фалокатларидан чўчимайди. Чунки у фоний, тезда ўтиб кетадиган ва ҳақир нарсадир.

- Сохта севги ва “ўлдим-куйдим”лардан узоқлашинг. Чунки у руҳ учун азоб ва қалб учун касалликдир. Аллоҳга, Унинг зикри ва ибодати томон интилинг.

- Ҳаромга назар солиш ғам-ташвиш ва қалб жароҳатини келтириб чиқаради. Кўзини ҳаромдан саклаган ва Роббисидан қўрққан инсон бахтли бўлади.

- Тартиб билан таомланишга ҳаракат қилинг ва фойдали нарсалар билан озиқланинг. Меъда сустлигига чалинишдан эҳтиёт бўлинг, ҳеч қачон тўқ қоринга ўхламанг.

- Турли ҳодисаларни баҳолашда энг ёмон эҳти-
молларни ҳам ҳисобга олинг. Сўнгра, ўзингизни уни
қабул қилишга тайёрланг, шунда роҳат ва енгилликни
ҳис этасиз.

- Арқон қаттиқлашса узилади, тун зулмати қуюқлашса тонг келади ва албатта, бир қийинчилик ортида икки енгиллик бордир.

• Очликдан сўнг тўйиш, чанқоқликдан кейин қониш, касаллик ортидан шифо, фақирликдан сўнг бойлик

турган бўлсангиз ўтиринг, таҳорат олинг ва зикрни кўпайтиринг.

- Қийинчиликдан жазавага тушманг. Чунки у қалбингизни кучли қилади, тинчлик ва осойишталик таъмини ҳис эттиради, шаънингизни ҳамда сабрингизни оширади.

- Ўтган кунлар ҳақида ўйлайвериш аҳмоқликдир. У худди унни қайта туйиш, тахта қириндиларини қайта арралаш ва ўликларни қабрдан чиқариб олиш кабидир.

- Юзингизни мусибатдан бошқа тарафга бурунг, унинг ажру савоби нур сочмоқда. Шуни билингки, ушбу мусибат бундан оғир бўлиши ҳам мумкин эди, лекин енгил бўлди. Йўқотилган нарсаларга сабр қилинг.

- Сизга етиши мумкин бўлган нарса манзилда адашмайди, сизга етмагани ҳам сизники эмас. Бутун бўладиган нарсалар борасида қалам қуриган, қазоқадар борасида сизнинг бошқа иложингиз йўқ.

- Зарарларингизни фойдага айлантиринг, лимондан ширин шарбат тайёрланг. Мусибат сувига бир ховуч шакар қўшиб юборинг. Ҳолатингизга мослашишга ҳаракат қилинг.

- Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг, Унинг ёрдамини ёдингиздан чиқарманг. Чунки ёрдам ҳам ҳаракат ва ниятга яраша бўлади.

- Сиз яхши кўрган нарсадан кўра, ёмон кўрган нарсангизда яхшилик кўпроқ бўлиши мумкин. Чунки сиз охири нима билан тугашини билмайсиз. Ёмонлик кўринишида келадиган жуда кўп неъматлар ва яхшиликлар мавжуд.

- Хаёлларингиз сизни ғам-ташвиш водийсига етаклаб кетмаслиги учун уларни кишанлаб қўйинг. Ўзингиздаги яхшилик, неъмат ва инъомлар ҳақида ўйлашга урининг.

- Уйингиз ва кутубхонангизда шовқин-сурон бўлишидан сақланинг. Чунки хотиржамлик ва сукунат саодат аломатидандир.

- Намоз мусибатларга қарши энг яхши ёрдамчидир. У инсонни осмон сари кўтаради ҳамда руҳни нур ва нажот фазосига олиб боради.

- Самарали, муҳим иш билан машғул бўлиш ёмон хою ҳаваслар, гуноҳга етаклайдиган фикрлар ва ҳаромга олиб борадиган ўйлардан инсонни озод этади.

- Бахт-саодат гўё дарахтга ўхшайди. Унинг суви, озукаси, унга зарур ҳаво ва нурнинг барчаси Аллоҳ ва охират кунига иймон келтиришдир.

- Юксак одоб, нозик дид ва гўзал хулқ эгаси бўлган инсон ўзини ҳамда бошқаларни бахтиёр қилади.

- Қалбингизга ҳам дам беринг, чунки у ҳам чарчайди ва заифлашади. Унга турли услубларда муомала қилинг, ҳар хил ҳикматлар ва билимларни топиб беринг.

- Илм кўнгилни кенгайтиради, онгни ўстиради, янги истиқболлар эшигини очади ҳамда инсонни ғам-ташвиш ва қайғудан олиб чиқади.

- Қийинчилик ва машаққатлар устидан зафар кучиш бахтдир. Чунки ғалаба нашидаси ва шодлигидан кўра каттароқ завқ бўлмайди.

- Агар инсонлар билан бахтли яшашни истасангиз уларга сизга қандай муомала қилишларини яхши кўрсангиз шундай муомала қилинг. Уларга паст баҳо берманг ва қадрларини туширманг.

- Агар инсон ўзини яхши билиб, унга муносиб илмни танласа ва бу борада жиддий шуғулланса муваффақият ҳамда зафар лаззатини ҳис этади.

- Билим-маърифат ва тажриба улкан мол-мулк захирасидан кўра улуғроқдир. Чунки мол-дунё сабабли қувониш ҳайвоний ҳис бўлса, илм сабабли шодланиш инсонийдир.

- Эр-хотиндан бирортаси ғазабланадиган бўлса бошқаси жим туриши ва икки тараф ҳам бир-бирини борича қабул қилиши лозим. Чунки дунёдаги ҳеч бир инсон айб-нуқсондан холи эмас.

- Солиҳ дўст мушкулингизни енгил, қалбизда умид учқунларини пайдо қилади. Бошқалар эса дунёни кўзингизга қоронғу қилади.

- Кимнинг аёли, уйи, саломатлиги ва ҳаёти учун етарли моли бўлса бахтли ҳаётга эга бўлибди. Шундай

юритинг. Улар ила хурсанд бўлинг ва улар учун Аллоҳга ҳамд айтинг. Чунки бу нарсалар қалбни хушнуд этади.

- Сиздан кечаги ғамингизни аритган Зот бугунги ва эртанги ташвишларингизга ҳам Ўзи кифоя қилади. Шундай экан, Унга таваккал қилинг. Агар У (Аллоҳ) сиз билан бўлса, сизга ҳеч ким зарар бера олмайди. Аксинча, У сизга қарши бўлса сизга ҳеч ким ёрдам бера олмайди.

- Сиз ва бойлар орасида бир кунлик фарқ бор, холос. Кечаги кун ўтди, унинг лаззатини топа олмайдилар. Эртанги кун эса сизники ҳам, уларники ҳам эмас. Демак, улар учун бугунгина мавжуд, бу нақадар оз муддат!

- Хурсандчилик нафсни жонлантиради, қалбни хушнуд этади, аъзоларни тартибга солади ҳамда қувват бахш этади. Ҳаётга қиймат беради, умрга эса фойда келтиради.

- Беҳожатлик, тинчлик, саломатлик ва дин бахтнинг устунларидир. Бечора, хавфда турган, касал ёки кофир одамда мамнунлик бўлмайди.

- Ким ўртача яшашни англаса бахтни англайди. Ким ўртамиёна бўлса нажотга эришади. Кимда-ким енгилликка интилса муваффақият қозонади.

- Вақт кўрсаткичлари ичида фақатгина “ҳозир” калимаси мавжуд ва бахт-саодат луғатида фақатгина “розилик” деган сўз бор, холос.

- Сизга мусибат етса, ундан каттароғини тасаввур қилинг, шунда у сизга арзимасдек туюлади. Унинг тезда кетишини умид қилинг. Зеро, машаққат бўлмаганда роҳат-фароғат шодлигини англаб бўлмасди.

• Агар ҳаёт йўлида қоқилсангиз бундан олдин неча марта қоқилганингиз ва ундан Аллоҳ сизга қандай нажот берганини эсланг. Шунда аввал сизни ким қутқарган бўлса бу сафар ҳам У (Аллоҳ) қутқаришини англайсиз.

• Кунини бирор фарзни адо этмай, бирор яхшиликни орзу қилмай, бирор мақтовга эришмай, бирор нарсани ўрганмай ёки бирор хайрли иш қилмай, умуман самарасиз ўтказган киши ўша кунга ҳақиқий “оқ бўлган” инсондир.

• Сизнинг ёнингизда ёки қўлингизда доимо бирор китоб туриши лозим. Чунки бекор ўтиб кетадиган вақтлар кўп бўлади. Китоб эса вақтни муҳофаза этадиган ва уни манфаатли қиладиган энг яхши воситадир.

• Қуръонни ёд олинг. Қуръон кечаю кундуз тиловат қиладиган инсон ҳеч қандай зерикиш ва бекорчиликдан шикоят қилмайди. Чунки Қуръон унинг ҳаётини бахтга тўлдиради.

- Етти ўлчаб бир кесган ҳолда қарор қабул қилинг. Сўнгра, Аллоҳдан бу ишнинг яхшилигини сўранг, ишончли инсонлар билан маслаҳатлашинг. Агар му-

ваффақият қозонсангиз мақсадга эришасиз, бўлмаса
надомат қилмайсиз.

- Оқил инсон дўстларини кўпайтириб, душманларини камайтиради. Чунки дўст йиллар давомида топилади, душман эса бир зумда. Аллоҳ уни одамларга суюкли қилиб қўйган киши нақадар бахтлидир.

- Дунёвий орзу-мақсадларингизга бир чегара белгилаб қўйинг. Бўлмаса қалбингиз парчаланади, кўнглингиз сиқилади, ҳаётингиз бузилади ва ҳолингиз ёмонлашади.

- Саломатлигингизни мол-дунё, шахват ёки мансаб учун сарф этманг. Акс ҳолда буларнинг барчасини йўқотасиз. Чунки саломатлигини йўқотган инсон бирор лаззатни ҳис қила олмайди.

- Аллоҳнинг кўплаб неъматларига эришган инсон улар давомий бўлиши учун ҳам шукр қилиши, тоат-ибодатда бардавом ва тавозеъли бўлиши лозим.

- Кимнинг нафси тақво ила мусатффо бўлса, иймон ила фикри тозаланса ҳамда хулқи яхшилик ила гўзаллашса Аллоҳ ва инсонларнинг муҳаббатига эришади.

- Дангаса, танбал банда ҳақиқий бебахт ва маҳзун инсон бўлади. Тиришқоқ, ишбилармон инсон эса қандай яшаш ва қандай бахтли бўлишни яхши билади.

• Ҳаётнинг лаззат ва роҳатлари ғам-ташвишларидан бир неча баробар кўп, лекин ҳаётнинг асл сири бу

роҳатга заковат ила қандай қилиб эриша олишимиз-
дадир.

- Агар аёл бутун дунёга эга бўлса, барча олийгохларнинг дипломлари унга берилган бўлса, жамии орденоларни қўлга киритган бўлса, аммо турмуш ўртоғи бўлмаса у мискин бўлиб қолаверади.

- Ҳақиқий мукаммал ҳаёт йигитлик даврингизни интилиш, кишилик пайтингизни кураш ва қарилик вақтингизни мулоҳаза учун сарф этмоғингиздир.

• Бошқаларни эмас, ўзингизни камчиликларингиз учун маломат қилинг. Чунки сизда тўғрилашингиз учун вақт етмайдиган даражада камчиликлар бор. Шундай экан, бошқаларни тинч қўйинг.

- Ҳашаматли қасрлардан кўра ақлни ўткирлайдиган, қалбга сурур бахш этадиган, кўнгилни кўтарадиган ва фикрлашни ўстирадиган бир китоб гўзалроқдир.

- Аллоҳ таолодан авф ва офият сўранг. Агар шу иккисига эришсангиз барча яхшиликка эришасиз, барча ёмонликлардан қутуласиз ва ҳақиқий бахтга эришасиз.

• Сизда Қуръонингиз ва бир дона нон, бир сиқим хурмо, бир пиёла сув ва битта бўйрангиз бор экан дунёга “Салом сенга” деяверинг!

- Мўътадил кулгу нафсга хузур, қалбга қувват бахш этади, малолланишни кетказади, ишлаш учун энергия беради ва алқни тиниклаштиради.

• Ибодат – чин саодат, солиҳ бўлиш эса ҳақиқий муваффақиятдир. Ким доимий зикр қилса, истиғфорни кўпайтирса ва Аллоҳгагина мухтож бўлса у яхши инсонларнинг бири бўлади.

• Энг яхши дўст сиз унга ишонадиган, у билан хурсанд бўладиган, ғам-ташвишларингизни кетказадиган ва сирларингизни ошкор қилмайдиган инсондир.

• Агар ҳозиргидан кўра каттароқ бахт топмоқчи бўлсангиз барча нарсани йўқотасиз. Агар ҳали келмаган мусибатни кутсангиз ғам-ташвишга эртароқ етишасиз.

• Сизга барча нарса берилади деб эмас, кўп нарса берилади деб ўйланг. Барча неъматлар-у яхшиликларга эришишингиз жуда қийин масаладир.

• Гўзал ва тақволи аёл, кенг ҳовли, етарли ризқ ва яхши қўшни... Бу неъматларни жуда кўпчилик англай олмайди

• Ёмонликларни эсламаслик неъматдир, неъматларни эслаш яхшиликдир, инсонларнинг айбидан кўз юмиш эса фазилатдир.

• Шуни билингки, кечириб юбориш интиқомдан кўра лаззатлироқ, бирор иш билан машғул бўлиш бекорчиликдан ширинроқ, қаноат мол-дунёдан кўра улуғроқ ва саломатлик бойликдан кўра яхшироқдир.

• Ёлғизлик ёмон шерикдан кўра яхшироқ ва солиҳ инсон билан шериклик ёлғизликдан яхшироқдир. Узлат ва тафаккур ҳам тоат-ибодатдир.

- Ёлғизлик фикрлар мамлакатидир. Инсонларга кўп аралашавериш аҳмоқлик, инсонларга ишониш тентаклик ва уларга душманчилик қилиш бахт-сизликдир.

- Бадхулқлик азоб, нафрат заҳар, ғийбат пасткашлик ва инсонларнинг айбини пойлаш мағлубиятдир.

- Неъматларга шукр қилиш адоватни кетказди, гуноҳларни тарк этиш қалбга ҳаёт бахш этади, нафс устидан ғолиб бўлиш улуғларнинг лаззатидир.

- Тинч-тотувликдаги қотган нон хавф-хатардаги асалдан яхшироқ ва оддийгина чодир фитналарга тўла қасрдан суюклироқдир.

- Илм шодлиги доимий, шарафи абадий ва хотираси боқийдир. Мол-дунё хурсандчилиги эса тезда йўқ бўлади, шарафи у кетгунча ва хотираси ҳам тугаб битгунча, холос.

- Мол-дунё сабабли шодланиш гўдақлар шодланиши кабидир. Иймон сабабли хурсанд бўлиш эса улуғлар шодлигидир. Мол-мулкка хизмат қилиш хорлик, Аллоҳ учун амал қилиш эса шарафдир.

- Меҳнат қийинчилиги ортидан келган роҳат ёқимли бўлади. Меҳнат сабабли оққан терлар мушканбар, гўзал мақтов эса энг яхши хушбўйлик кабидир.

- Ҳақиқий саодат – Мусхафингиз, дўстингиз – сеvimли машғулотингиз, уйингиз – ибодатхонангиз, хазинангиз – қаноатингиз бўлсин.

- Тун намози кундузнинг гўзаллиги, инсонларга яхшилиқни соғиниш қалб поклигидир. Ёруғ кунларни кутиш ҳам ибодат саналади.

- Мусибатда тўрт нарса мавжуд: ажр-савоб, сабрли бўлишга ўрганиш, гўзал хотира ва Аллоҳнинг лутфини кутиш.

- Жамоат бўлиб намоз ўқиш, фарзларни адо этиш, мусулмонларни яхши кўриш, гуноҳларни тарк этиш ҳамда ҳалолдан ризқ топиш дунё ва охират яхшилигидир.

• “Бош” бўлишга интилманг! Чунки бошнинг оғриғи кўп бўлади. Машҳурликка ўч бўлманг, унинг ўз тўловлари бор. Етарли ризқ ва машҳур бўлмасдан яшаш ҳақиқий бахтдир.

- Вақтни беҳудага сарфлаш, тавбани кечиктириш, инсонларга душманлик кайфиятида бўлиш, ота-онани норози қилиш ва сирларни фош этиш аҳмоқлик аломатидир.

• Ибодатни тарк этиш, гуноҳларга берилиш, ёмонлик билан эсланишга эътибор бермаслик ва солиҳларни ҳақорат қилиш ўлик қалб аломатидир.

• Уйида бахтиёр бўла олмаган инсон бошқа жойда ҳам саодатга эриша олмайди. Кимни аҳли оиласи ёмон кўрса, уни бошқа бирор инсон суймайди. Ким бугунини зое қилса эртасини ҳам зое қилади.

- Тўрт нарсa бахт келтиради: манфаатли китоб, солих фарзанд, суюкли аёл ва яхши дўст.

• Иймон, саломатлик, бойлик, хурлик, эминлик, ёшлик ва илм... Булар ақлли инсонлар эришиш учун интиладиган нарсалар саналади, лекин уларнинг барчаси бир жойда жамланиши жуда нодир ҳолатдир.

• Бугун бахтиёр бўлинг, чунки эртага ҳаёт бўлишингиз ва замон даҳшатидан омонда бўлишингизга кафолат йўқ. Шундай экан, ғам-ташвишни нақд қилиб, бахт-саодатни насия қилманг.

• Дунёдаги энг афзал нарса чин иймон, гўзал хулқ, соғлом ақл, саломат жисм ва кенг ризқдир. Бундан бошқаси ташвишдир.

• Икки махфий неъмат бор: жисм саломатлиги ва тинчлик. Яна икки аниқ-равшан неъмат бор: гўзал мактов ва солиҳ фарзанд.

• Қувноқ қалб нафрат микробларини йўқотади ва мамнун нафс ғазаб ҳашоратларини даф этади.

• Бахтиёр инсон касал, қарздор, ғариб, маҳзун, зиндонбанд ва ёқимсиз бўлмаган инсондир.

• Саодат бу – фалокатларнинг ариши, душманчиликнинг йўқолиши, солиҳ амаллар ва шаҳватлар устидан ғолиб бўлишдир.

• Энг бехатар йўл уйингиз томон бўлган йўлдир. Энг баракали кун солиҳ амал қилган кунингиз, аммо энг ёмони эса бировга ёмонлик қилган кунингиздир.

• Сизни башариятнинг бирортаси сўкса эътибор қилманг. Чунки улар ўз Роббисини ҳам сўкадилар.

У зот уларни йўқдан бор қилди, лекин улар Унинг борлиги борасида шак қилдилар. Уларни таомлантирди, лекин улар У зотдан бошқасига ташаккур айтдилар. Уларни кўрқувдан халос этди, улар эса Унга қарши уруш очдилар...

- Бутун заминни бошингизга кўтарманг ва инсонларга сизнинг ҳолингизнинг аҳамияти бор деб ўйламанг. Чунки улардан бирортаси шамоллаб қолса, сизнинг ва менинг ўлимимни ҳам унутиб юборишади.

- Шодлик бу – етарли ризк, Ватан, саломатлик, маскан, фитналардан омонлик, кийинчиликлардан нажот, неъматларга шукр ва давомий ибодатдир.

- Ушбу ҳадисларни ёдда тутинг:

وَعَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: أَخَذَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بِمَنْكِبِي فَقَالَ: كُنْ فِي الدُّنْيَا كَأَنَّكَ غَرِيبٌ أَوْ عَابِرُ سَبِيلٍ

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менинг елкамдан ушлаб: **“Дунёда гўёки ғариб ёки йўловчи мусофир каби бўлгин”**, дедилар.

عَنْ أَبِي أَيُّوبَ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، عَلِّمْنِي وَأَوْجِزْ، قَالَ: إِذَا قُمْتَ

فِي صَلَاتِكَ، فَصَلِّ صَلَاةَ مُودِّعٍ، وَلَا تَكَلِّمْ بِكَلَامٍ تَعْتَذِرُ مِنْهُ،
وَأَجْمَعِ الْيَأْسَ عَمَّا فِي أَيْدِي النَّاسِ

Абу Айюб Ансорий розияллоху анху айтади: “Бир киши Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: *“Ё Расулуллоҳ, менга таълим беринг, лекин қисқароқ қилинг”*, деди. Шунда у зот алайҳиссалом: **“Агар намозга турсанг видолашаётган (яъни, хайр-лашаётган) кишидек намоз ўқи. Ўз сўраладиган гапни сўзлама. Одамлар қўлидаги нарсадан умидингни уз (таъма қилма)”**, дедилар (*Ибн Можа ривояти*).

- Дунёда зоҳид бўлсангиз, Аллоҳ сизни суяди. Агар инсонлар ҳузуридаги нарсадан зуҳд этсангиз, улар сизни яхши кўришади. Озига қаноат қилинг, Қуръонга амал қилинг, охираат учун тайёргарлик кўринг ва Буюк Зотдан кўркинг.

عَنْ صُهَيْبٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَجَبًا
لَأَمْرِ الْمُؤْمِنِ إِنَّ أَمْرَهُ كُلَّهُ خَيْرٌ وَلَيْسَ ذَاكَ لِأَحَدٍ إِلَّا لِلْمُؤْمِنِ
إِنْ أَصَابَتْهُ سَرَاءٌ شَكَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَاءٌ
صَبَرَ فَكَانَ خَيْرًا لَهُ

Сухайб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:
“Мўминнинг иши ажойиб, ишининг барчаси

- Худди чумчук каби бўлинг. Кунлик ризқини таради, эртани ўйлаб ғам чекмайди. Ҳеч кимга ишонмайди ва озор бермайди.

- Ким инсонларга кўп аралашса ундан нафрат қилишади. Ким уларга бахиллик қилса ёмон кўришади, ҳалимлик қилса ҳурмат қилишади, сахийлик қилса сўйишади ва мухтож бўлса ғазабланишади.

• Фалак гардиши айланмоқда, кунлар ўзгармоқда. Шундай экан, бир ҳолат абадий қолмайди. Роббимиз бизнинг сўровларимизни эшитмоқда. Нима учун маҳзун бўласиз?

• Қандай қилиб султонлар эшиги ёнида турасиз, ваҳоланки, уларнинг тақдири Аллоҳнинг қўлидаку? Нега ўзи муҳтож бўлганлардан ёрдам сўрайсиз, мажруҳларга шикоят қиласиз?!

- Саҳар вақтида сиёҳлари кўз ёш, вароқлари юз, манзиллари қабул бўлган мактублар ёзинг ва жавобни кутинг...

- Сажа қилган пайтингизда махфий ҳолатда ишларингизни У зотга айтинг. Чунки у ошкора ва махфий нарсаларни ҳам билувчи Зотдир. Ўзгаларга бунин билдирманг. Чунки мухаббатнинг ҳам ўз сирасорлари бор.

- Ўзига итоат этишни азизлик, муҳтожликни беҳожатлик, сўрашни шараф, паст тутишни юксаклик ва таваккални кифоя қилган Зот барча айб ва нуқсонлардан покдир!

- Ушбу оятни ёдингиздан чиқарманг:

﴿حَسْبُنَا اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ﴾

“Ҳасбуналллоҳ ва ниъмал вакийл” (Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли ва У қандай ҳам яхши вакил) *(Оли Имрон сураси, 173-оят).*

Бу оят ёнгинни ўчиради, у сабабли чўкаётганлар нажот ва манзилини йўқотганлар эса йўлини топади. Унда ишончли ваъда бор.

- Эй қушча, сен нақадар бахтиёрсан! Дарёда ювинасан, дарахтда яшайсан, меваларни ейсан, хавфхатардан кўркмайсан ва дўзах устидан ўтмайсан. Сенинг ҳолинг башарият аҳволидан анча гўзал...

- Кечаги кун ўлди, бугунги кун ҳозир яшамокда, эртанги кун эса ҳали туғилгани йўқ. Сиз айни вақтнинг фарзандисиз. Шундай экан, уни ибодатга айлантиринг. У бир кун сизга улкан фойда бўлиб қайтади.

- Сизнинг кўмакдошингиз қалам, дарёингиз сиёҳ, дўстингиз китоб, мамлакатингиз хонадонингиз ва бойлигингиз қувватингиздир. Шундай экан, ўтиб кетган нарсаларга надомат чекманг!

- Гоҳида ишларингизнинг аввали сизни хафа қилса, уларнинг охири хурсанд этади. Бу худди аввали чакмоқ ва момақалдироқ, охири эса фойда бўлган ёмғирли қора булутларга ўхшайди.

- Истиғфор кулфларни очади, кўнгилни нурлантиради ва ғашликларни кетказади. У ризқ манбаи ва тавфиқ дарвозасидир.

- Дуо қилганда ижобат этадиган, чўкаётган инсон нидо қилганда қутқарадиган, “Ё Аллоҳ!”, деган кишидан қийинчиликни кетказадиган Зот ким? Албатта, У Аллоҳдир!

- Самарасиз баҳслар, бефойда мажлислар ва тентак дўстан узоқлашинг. Чунки дўст ўзига тортади, инсоннинг табиати эса ўғри бўлади.

- Гўзал ҳолатда тинглай олиш, бировнинг сўзини бўлмаслик, юмшоқ сўзлаш ва гўзал хулқли бўлиш яхши инсонларнинг кўкракларидаги улуғворлик нишонларидир.

- Сизнинг кўзингиз, кўл-оёқингиз, қулоғингиз, тилингиз, иймонингиз, Қуръонингиз ва хотиржамлигингиз бор. Эй инсон, шукр қилмайсизми?

- Сиз оёқларингизда юра оласиз, лекин оёғи кесилганлар бор. Сиз тиникиб ухлайсиз, аммо кечалари азобдан ухлай олмайдиганлар бор. Сизнинг қорнингиз тўқ, лекин очликдан ҳалоқ бўлаётганлар бор...

- Карлик, соқовлик ва кўрликдан саломатсиз. Моховлик, жиннилик, сил, саратон ва бошқа касалликлардан омондасиз. Раҳмон Зотга шукр қилдингизми?

- Мусибатимиз шундаки, биз бугунимизни тўғрилай олмаймиз ва ўтган кунларимиз билан машғул бўламиз. Бугунимизни кечиктирамиз ва эртанги кунимиз ҳақида ғам чекамиз. Шу иш ақл ва ҳикматданми?

- Инсонлар сизни танқид қилиши сиз эслашга арзигулик иш қилганингиз ҳамда илм, мол-дунё, мансаб ёки амалда улардан ўзиб кетганингизни билдиради.

- Ўзингиздан бошқа шахсият билан ниқобланиш, бошқаларга ўхшаш ҳамда тақлид қилиш ўзингизнинг шахсий хусусиятларингизни йўқотиш ва ўлдиришдир.

- Кўз ёши билан табассум, ғам-ташвиш билан хурсандчилик, бало-офат билан инъом ҳамда азоб билан мукофот келиши бу дунёнинг қоидасидир.

- Атрофингизга яхшилаб назар ташласангиз фақат мусибатга учраган ва жафо чекканларни кўрасиз. Ҳар бир хонадонда аза бор, барча юзларда кўз ёши бор. Бу дунё шундай, унинг доимо бир ками тўлмай қолаверади.

- Сиз яхшилик қилган инсоннинг айтган раҳмати кушларнинг куйлаши, тонг гўзаллиги ва қуюқ дарахтзорлардан гўзалроқдир.

- Иссиқ сув ичган пайтингизда сиз такаллуф билан “Алҳамдулиллаҳ!”, дейсиз. Муздек сув ичган пайтингизда эса барча аъзоларингиз “Алҳамдулиллаҳ!”, дейди.

у адоватга айланади. Шуни билингки, сизнинг энг яхши кунингиз сиз изловчи эмас, сизни излашган кундир!

- Ухлашга ётишингиздан аввал инсонларга марҳамат кўрсатинг. Қалбингизни афв суви билан етти марта ювинг ва саккизинчисини кечиримлилиқ билан тамомланг. Шунда иймон ҳаловатини топасиз.

- Илм ёлғизликда дўст, ғарибликда улфат, холи қолганда кузатувч, тўғри йўлга йўлловчи, қийинчилиқда ёрдамчи ва ўлимдан сўнг захирадир.

- Уст-боши йиртиқ, лекин Аллоҳдан кўрқадиган қалби, кўз ёш тўқадиган кўзи ва хотиржам нафси бор инсонга ҳеч нарса зарар етказмайди.

- Ғам-ташвишларнинг сабаби Аллоҳдан юз ўгириб, дунё томонга юришдир. На ўлиги, на тириги билнадиган абадий зиндонга тушган инсон айни шудир.

- Энг яхши мол бу текис ерда шилдираб оққан булоқдир. У ухласангиз уйғоқ бўлади, йўқ бўлсангиз ҳам жойида туради ва вафот этсангиз мерос бўлиб қолади.

- Насибангизни сукут билан кидиринг. Чунки сукут қилиб турган инсон маҳобатли бўлади, жимгина тинглайдиган киши суюкли бўлади. Бало-офатлар тил сабабли келади.

- Ҳақиқий ҳаёт – ё охиратга тайёргарлик, ё яшаш учун чора-тадбир кўриш, ё ҳаром бўлмаган лаззат ё

- Фарзандлар бойликдан муҳимроқ, ахлоқ мансабдан буюкроқ, ҳиммат тажрибадан олийроқ ва тақво шарафдан улуғроқдир.

- Барча эшитган нарсаларингизни орзу қилаверманг, ҳамма дўстга ҳам ишонаверманг, бирор аёлга синрингизни очманг ва ҳар қандай истак ортидан югураверманг.

- Роҳатни ёлғизликсиз, эминликни тоат-ибодатсиз, муҳаббатни вафосиз ва бирор ишончни содиқликсиз бўлганини ҳеч кўрмадим.

- Гоҳида бир лукма бир қанча лукмаларни тўхтатиши ва бир калима бир қанча адоватларни келтириб чиқариши мумкин. Баъзан эса бир ёмонлик кўп яхшиликларни тўхтатади ва бир фикр ҳасрату надоматларга сабаб бўлади.

- Муҳаббатингиз ўта кучли, ғазабингиз ҳаддан ортик, ҳаётингиз ҳашаматга тўла, хотираларингиз афсус-надомат ва мақсадингиз фақатгина шараф бўлиб қолмасин.

- Ҳар бир эркак ўз уйида бирор киши хор этмайди-
ган, ҳеч ким тўскин бўлмайдиган ва бирор бахил
кимса эътироз қилмайдиган амирдир.

•Кунларнинг энг афзали тажрибангизни оширган, сизга илм ҳадя этган, гуноҳлардан тўсган ва куч бахш этган кундир.

- Ҳаёт бир имконият, уни фақатгина йўқотгандан сўнг англаймиз. Саломатлик эса соғлом инсонлар

бошидаги тож бўлиб, уни фақатгина беморларгина кўра олади.

- Ноқобил фарзанди, инжиқ аёли, ёмон қўшниси, бебош дўсти ва фақат ёмонликни истайдиган нафси бор инсон қандай қилиб бахтли бўла оларди?!

- Сизнинг устингизда Аллоҳ таоло, нафсингиз, кўзингиз, аёлингиз ва меҳмонингиз ҳаққи бор. Шундай экан, ҳар бир ҳақ эгасига ўз ҳаққини беринг.

- Тонг ёришаётган вақтда уни томоша қилиб роҳатланинг. Чунки унда сизни яхшилик умидида бўлиш ва орзу қилишга ундайдиган гўзаллик ҳамда нур бордир.

- Эрта уйғонишга ҳаракат қилинг, чунки унда барака бор. Ушбу баракали вақтда зикр, тиловат, мутолаа қилиш, бирор нарса ёзиш ёки сафар қилиш билан машғул бўлинг.

- Ўртача яшашга ҳаракат қилинг. Холикни рози этинг ва махлуқотга раҳм қилинг. Фарзларини мукамал адо этинг ва нафл амалларни кўпайтиринг. Шунда сиз тўғри йўлда бўласиз.

- Ҳақиқий муваффақият бу гўзал хотима, тўғри сўз, яхши амал, зулм қилиш ва қариндошликни узишдан узоқ бўлишдир.

- Қанчадан-қанча сўзлар борки, улар сабаб неъматлардан маҳрум бўламиз. Кўпгина хатолар кетидан бошқа хатоларни келтиради. Жуда кўп ёлғизликлар ширин ва ёлғиз инсонга бу ҳолат азизлик бўлади.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى
 اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الْمُسْلِمُ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ
 وَيَدِهِ، وَالْمُهَاجِرُ مَنْ هَجَرَ مَا تَهَى اللَّهُ عَنْهُ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “**(Комил) муслмон (бошқа) муслмонлар унинг тили ва қўлидан омонда бўлган кишидир. (Ҳақиқий) муҳожир Аллоҳ қайтарган нарсалардан ҳижрат (қайтган, тўхтаган) кишидир**” (Имом Бухорий ривояти).

- Молингизнинг энг яхшиси сизга манфаат бергани, илмингизнинг энг улуғи сизни юксалтиргани, энг яхши уй сиз учун кенг бўлган хонадон ва энг хайрли дўст сизга насихат қилганидир.

- Агар сизга ҳеч ким ҳасад қилмаса, демак, сизда ҳеч қандай яхшилик йўқ экан. Агар сизнинг умуман дўстингиз бўлмаса сизда ахлоқ йўқ экан.

- Яхшиликларингизни эслаб нафсингизни шод қилинг ва гуноҳларингиздан тавба қилиш билан қалбингизга роҳат бахш этинг. Оппоқ қўлларингиз билан бўйинларга маржон тақинг.

- Семизлик ғафлатдир. Қорин қўйиш зукколикни йўкотади ва кўп ухлаш муваффақиятсизликка сабаб бўлади. Кўп қулиш эса қалбни ўлдиради.

- Ҳукмдорлик ширинлиги гўдакни сутдан ажра-тадиган муддатчалик бўлади. Бошлиқлик шодлигини эса ундан ажралиш маҳзунлиги кетказиб юборади. Тегирмон ҳам навбати билан айланади.

- Ўзингиз суйган инсон билан сафар қилиш, ёмон кўрганларингиздан узоқда бўлиш, сизга азият берадиганлардан саломат бўлиш ва муваффақиятни эслаш бу дунёнинг лаззатларидандир.

- Яхшилик хурни “қул” қилади, эҳсон инсонни кишанлайди, ҳалимлик хусуматни йўқотади ва сабр чўғни ўчиради.

- Агар сизни эртанинг ризки қайғуга солаётган бўлса, айтингчи ким эртанги кун келишига кафил бўлади? Ўтган кунда бўлган ҳодиса сизни хафа қилаётган бўлса, у кунни ким қайтара олади?

- Кўплаб мол-дунёдан озгина бахт, хор бўлиб бошлиқ бўлишдан азиз бўлиб ундан ажралиш ва ибодатда дангасалик қилиш гуноҳдаги шиддатдан яхшироқдир.

- Қаноатли инсон – подшоҳ, исрофгар – бефаҳм, ғазабгўй – мажнун, шошқалоқ – енгилтак, ҳасадгўй эса золимдир.

- Аллоҳни зикр этиш Уни рози қилади, инсонни бахтиёр этади, шайтоннинг умидини сўндиради, хафаликни кетказди ва амаллар тарозисини тўлдиради.

- Умри узун ва амали гўзал инсон бахтлидир. Моли кўпайиб яхшилиги ҳам зиёда бўлган инсон

муваффақиятлидир. Илми кўпайиб таквosi зиёда бўлган инсон муборақдир.

- Инсонлар ҳақида қайғуришнинг мукофоти ғам-ташвишни унутиш, Мавлосига хизмат қилишнинг эвази инсонлар унга хизмат қилиши ва дунёни тарк этишни ҳақи ризқнинг мўл-кўл бўлишидир.

- Офият билан бўлган бирор неъматни оз, тавбасиз бўлган бирор гуноҳни кичик ва ихлоссиз бўлган бирор ибодатни улкан деб ўйламанг.

- Дунё сабабидан хурсанд бўлиш гўдаклар шодлиги, гўзал мақтов сабабли шодланиш эркаклар хурсандчилиги ва Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсдан хурсанд бўлиш авлиёлар шодлигидир.

- Ростғўйлик – хотиржамлик, ёлғон – ғашлик, ҳаё – қалқон, илм – хужжат, изоҳлаш – гўзаллик, сукут ҳикматдир.

- Зафар ҳаловати сабр аччиғини ўчириб юборади, ғалаба лаззати қийинчилик азобини кетказди ва ишни мукамал қилиш машаққатни йўқотади.

- Дунёдаги энг яхши нарса Аллоҳга муҳаббат, жаннатдаги энг гўзал нарса Аллоҳни кўриш, энг манфаатли китоб Аллоҳнинг Каломи ва энг комил инсон – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

- Бахтиёр инсон кечаги кунидан ибрат олган, нафсини назорат қилган ҳамда ошкора ва махфий ҳолда Аллохдан қўрққан кишидир.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، قَالَ:
 كُنْتُ خَلْفَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمًا، فَقَالَ:
 يَا غُلَامُ، إِنِّي أَعَلِّمُكَ كَلِمَاتٍ: احْفَظِ اللَّهَ يَحْفَظْكَ، احْفَظِ
 اللَّهَ يَجِدْهُ بُحَاهُكَ، إِذَا سَأَلْتَ فَاسْأَلِ اللَّهَ، وَإِذَا اسْتَعَنْتَ
 فَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ، وَاعْلَمْ أَنَّ الْأُمَّةَ لَوِ اجْتَمَعَتْ عَلَى
 أَنْ يَنْفَعُوكَ بِشَيْءٍ لَمْ يَنْفَعُوكَ إِلَّا بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ
 اللَّهُ لَكَ، وَإِنْ اجْتَمَعُوا عَلَى أَنْ يَضُرُّوكَ بِشَيْءٍ لَمْ يَضُرُّوكَ إِلَّا
 بِشَيْءٍ قَدْ كَتَبَهُ اللَّهُ عَلَيْكَ، رُفِعَتِ الْأَقْلَامُ وَجَعَتِ الصُّحُفُ

46

нарасада зарар етказиш учун жамланса ҳам Аллоҳ сенга ёзган нарасадан бошқа зарарни етказа олмаслар. Қаламлар кўтарилган, саҳифалар қуриган», дедилар» (Имом Термизий ривояти).

- Фаровонликни мусибат пайтига қурол, молин-
гизни ҳолатингиз қалқони ва умрингизни Роббингиз
ибодатига айлантиринг.

- Кўпгина лаззатлар надомат, хатолар эса хорлик келтиради. Маъсият неъматдан маҳрум бўлишга, қулғулар йиғига сабаб бўлади.

• Неъматларга шукр қилиш уларни зиёда қилади, куфрони неъмат қилиш эса уларни қочириб юборади. Дунё сир тутилса ўтиб кетади ва унга ишонилса алдайди.

- Саломатлик ғаниматдир. Бадан соғлиғи таомни камайтириш, руҳнинг саломатлиги гуноҳларни озайтириш ва вақтнинг саломатлиги нафратдан узоқ бўлиш билан бўлади.

- Бир дақиқа алам чекиш бир кундек, бир кун лаззат кўриш бир дақиқадек бўлади. Шодлик кечаси қисқа ҳамда ғам кечалари узун ва оғирдир.

- Фақирлик неъматни эслатади, очлик сизга таомни сеvimли қилади, зиндон озодликнинг қийматини оширади ва касаллик соғлиқни сўйдиради.

- Уч табибни маҳкам тутинг: шодлик, роҳат ва парhez. Яна уч дарддан сақланинг: шумланиш, гумон ва умидсизлик.

- Бахт бу – инсоннинг комиллик даражасига етишидир. Ҳақиқий ғалаба эса қилган амалларининг самарасини кўришидир.

- Сахар чоғида ўтириб кўлингизни дуога чўзиб, кўзларингизда ёш билан: *“Эй Буюк Зот, биз арзимас “мол” билан ҳузурингдамиз. Ўзинг унинг ҳақини кўпайтириб бергин!”*, деб дуо қилинг.

- Алам, ғам ва ташвишлардан омонда бўлиш катта неъматдир. Чанқамагунча сув ичманг, оч қолмагунча овқатланманг ва чарчамагунча уйкуга ётманг.

- Ким ҳаракат қилса, орзусига етади. Ким яхшилик учун машаққат чекса, ғалаба завқини тотади. Шош-калоқлик бефойда ва фақатгина орзуларга берилиш эса хонавайронликдир.

• Аллоҳ сизга тақдир қилган нарсага рози бўлинг ва У сиз учун хоҳлаган ҳолат ўзгаришини истаманг. Чунки У зот сизни ўзингиздан кўра яхшироқ билади ва У сизга онангиздан кўра раҳмлироқ Зотдир.

• Доимо истиғфор айтишга ҳаракат қилинг. Чунки Аллоҳ таоло кечаю кундуз бандаларига тортиқ ва инъомлар беради. Эҳтимол, улардан бири сизга тегиб, қиёматга қадар бахтиёр бўларсиз.

- Неъматга эришганда шукр қилган, мусибатга учраганда сабр қилган, ғазаб қилса ҳалим бўлишга уринган ва ҳукм қилса адолатли бўлган инсонга жаннат бўлсин!

- Тилни тийишга ўрганиш, ақлни ўстириш, хотирани мустаҳкамлаш, ғам-ташвишни кетказиш ҳамда тажриба ва фазилатларни ўзлаштириш китоб мутолаа-сининг фойдаларидандир.

- Қалбнинг озукаси ихлосли бўлиш, тавба қилиш, Аллоҳга таваккал қилиш, Унинг хузуридаги яхшиликлардан умид қилиб, Унинг азобидан қўрқиш ва У зотни севишдадир.

عن أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رضي الله عنه؛ قال: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى
الله عليه وسلم لِفَاطِمَةَ: مَا يَمْنَعُكَ أَنْ تَسْمَعِي
مَا أُوصِيكَ بِهِ، أَنْ تَقُولِي إِذَا أَصْبَحْتَ وَإِذَا أَمْسَيْتِ:
يَا حَيُّ يَا قَيُّوْمُ بِرَحْمَتِكَ أَسْتَغِيْثُ، أَصْلِحْ لِي شَأْنِي
كُلَّهُ، وَلَا تَكِلْنِي إِلَى نَفْسِي طَرْفَةَ عَيْنٍ

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ алайҳиссалом Фотима розияллоху анҳога:
*«Васият қилган нарсамни эшитишдан сени нима
тўсади? Ҳар тонг ва кечкурун: “Йаа ҳаййу йаа
қоййууму бироҳматика астағийсу, аслиҳлий ша’ний
куллаху ва лаа такилний ила нафсий торфата
ъайн”, деб айт»* дедилар (Имом Насоий ривояти).

“Ё ҳай (тирик) ва қаййум сифатиға эга бўлган
Зот, Сендан ёрдам сўрайман. Шаънимни ҳар бир
нарасада ислоҳ эт ва кўз юмиб очгунчалик муддат ҳам
ўз ҳолимға ташлаб қўйма”.

Сиз ҳам ушбу дуони доимо такрорлаб юринг. Шунда шод-хуррамлик ва хотиржамликни топасиз.

- Агар сизга бирор киши озор берса кечириб юборишнинг фазилати, ҳалимликнинг ажри ва сабрнинг савобини ёдга олинг. Сизга азият берган инсон золим, сиз эса мазлумсиз, сизнинг ажр-савобингиз кўпроқ бўлади.

• Қазо ҳақ, ўлим келиши ҳам шубҳасиз, ризқ ҳам белгилаб қўйилган. Шундай экан, нима учун маҳзун бўласиз? Касаллик, фақирлик ва мусибатнинг ҳам улкан ажр-савоби бор. Шундай экан, нега ғам чека-сиз?

- Дунёда бир жаннат бўлиб, унга кирмаган охират жаннатига ҳам кирмайди. У Аллоҳни зикр қилиш, Унга ибодат қилиш ва севиш ҳамда У зот тарафга интилишдир.

- Аллоҳнинг буйруқларига итоат этган ва қайтариқларидан қайтганлардан Аллоҳ рози бўлади. Уларга орзу қилган нарсаларини беради ҳамда қўрққан нарсаларидан сақлайди. Шунинг учун улар ҳам У зотдан рози бўладилар.

- Барча ишга қодир, мағфиратли, айбларни яширадиган, ризқ берувчи, барча нарсани кўриб, эшитиб турадиган ва барча ишларни бошқариб турадиган Роббиси бор киши қандай қилиб маҳзун бўлиши мумкин?

• Аллоҳнинг раҳмати кенг, ҳузури барча учун очикдир. У инъомлари кўп, тавбаларни қабул қилувчи ва ўта ҳалим Зотдир.

• Амалларингизни гўзал қилинг, орзуларни камайтиринг, ажални кутинг, бугунингиз билан яшанг, ишларингизга эътибор қилинг ва тилингизни номаъқул нарсалардан тийинг.

• Китобдан кўра фойдалироқ, қабрдан кўра, насиҳати кучлироқ, гуноҳдан кўра ёмонроқ, зоҳидликдан кўра шарафлироқ ва қаноатдан кўра каттароқ нарса йўқдир.

• Ҳимматингиз, ҳаракатингиз ва матонатингизга қараб сизнинг тарихингиз ёзилади. Ютуққа эвазсиз эришиб бўлмайди. У ҳаракат ва қурбонлик эвазига қўлга киритилади.

• Ишларни кичик санасангиз улар ҳақиқатдан ҳам кичик бўлиб қолади. Ғамингизни фақат охират ғамига айлантиринг, у кун учун тайёргарлик кўринг ва барча ишда ортиқча нарсаларни тарк этинг.

• Таомланиш, уйқу ва қулиш каби муҳофизат нарсаларни кўпайтириш безовталиқ сабабидандир. Бу нарса ғам-ташвишга сабаб бўлади.

• Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿لَا تَأْسَوْا عَلَىٰ مَا فَاتَكُمْ وَلَا تَفْرَحُوا بِمَا آتَاكُمْ﴾

“Кетган нарсага қайгуриб, келган нарсадан хурсанд бўлмаслигингиз учун” (*Ҳадиd сураcи, 23-оят*).

Шундай экан, ҳасрат ва надомат сабабли куйиб-ёнманг. Афсус ва йиғи билан ўзингизни ҳалок қилманг. Ғазаб ва бақир-чақир қилиб ўзингизни қийнаманг.

- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ حَسْبُكَ اللَّهُ وَمَنِ اتَّبَعَكَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ﴾

“Эй Набий, Сенга ва сенга эргашган мўминларга Аллоҳ кифоядир” (*Анфол сураcи, 64-оят*).

Аллоҳ сизга Ўзи кифоя қилади ҳамда сизни тўғри йўлга бошлайди, ҳифзида сақлайди ва ҳимоя қилади. Шундай экан, ҳеч нарсадан қўрқманг.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿إِنَّ اللَّهَ مَعَ الَّذِينَ اتَّقَوْا وَالَّذِينَ هُمْ مُحْسِنُونَ﴾

“Албатта, Аллоҳ тақво қилганлар ва гўзал ишлар қилганлар биландир” (*Наҳл сураcи, 128-оят*).

Улардан душманларни даф қилади, балолардан нажот ва касалликларига шифо беради. Уларни қийинчилик ва оғир кунларда Ўз ҳифзида сақлайди.

- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿لَا تَحْزَنْ إِنَّ اللَّهَ مَعَنَا﴾

“Маҳзун бўлма, Аллоҳ, албатта, биз билан” (*Тавба сураcи, 40-оят*).

У Зот бизни кўриб туради, сўзларимизни эшитади, душманларимизга қарши ёрдам беради, бизни ғамга солган нарсаларни енгил қилиб қўяди ва улардан бизни озод қилади.

- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿أَلَمْ نَشْرَحْ لَكَ صَدْرَكَ﴾

“Сенинг кўксингни кенг қилиб қўймадикми?”

(Шарҳ сураси, 1-оят).

Ушбу оятнинг маъноси бундай: Биз сенинг қалбингни кенг, ёруғ, нурли, масрур, сокин, хотир-жам, шод ва обод қилиб қўймадик-ми?

- Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَأَصْبِرْ وَمَا صَبْرُكَ إِلَّا بِاللَّهِ وَلَا تَحْزَنْ عَلَيْهِمْ وَلَا تَكُ فِي

ضَيْقٍ مِّمَّا يَمْكُرُونَ﴾

“Сабр қил, сенинг сабринг фақат Аллоҳ ила бўлур. Улар(ҳоли)га хафа бўлма. Улар қилаётган макрдан сиқилма” *(Наҳл сураси, 127-оят).*

Биз уларнинг макридан кифоя қиламиз, найрангларидан ҳимоя қиламиз ва азиятларини даф қиламиз. Шундай экан, ҳеч сиқилма!

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿وَلَا تَهِنُوا وَلَا تَحْزِنُوا وَأَنْتُمْ الْأَعْلَوْنَ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ﴾

“Бўшашманглар! Хафа бўлманглар! Сизлар, агар мўмин бўлсаларингиз, устунсизлар” (*Оли Имрон сураси, 139-оят*).

Яъни, шариат ва ақида жиҳатидан сизлар устунсиз. Сизнинг йўлингиз устун. Сизнинг асосингиз ва хулқ-атворингиз устундир.

- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿إِنَّ رَبَّكَ وَسِعَ الْمَغْفِرَةَ﴾

“Албатта, Роббинг мағфирати кенг зотдир” (*Нажм сураси, 32-оят*).

У гуноҳкорни кечиради, тавбани қабул қилади, хатони ўчиради, адашишни тўғрилайди, айбларни беркитади ва тавба қилувчини кечиради.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿وَلَا تَيْئَسُوا مِنْ رَوْحِ اللَّهِ﴾

“Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар” (*Юсуф сураси, 87-оят*). Чунки У ёрдами яқин, лутфи тез, карами кенг ва фазли буюк Зотдир.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿فَاللَّهُ خَيْرٌ حَفِظًا وَهُوَ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ﴾

“Аллоҳнинг Ўзи энг яхши муҳофазачи ва Унинг Ўзи раҳмлиларнинг энг раҳмлигидир” (*Юсуф сураси, 64-оят*).

﴿لَا تَدْرِي لَعَلَّ اللَّهَ يُحْدِثُ بَعْدَ ذَلِكَ أَمْرًا﴾

“Сен билмайсан, шояд Аллоҳ ундан кейин бирор ишни пайдо қилса” (Талоқ сураси, 1-оят).

У ғам-ташвишни кетказади, маҳзунликни йўқ қилади, ишни осон, узоқни яқин қилади.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿فَإِنَّ مَعَ الْعُسْرِ يُسْرًا﴾

“Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир” (Шарҳ сураси, 5-оят).

Албатта, фақирликдан сўнг бойлик, касалликдан сўнг шифо, маҳзунликдан сўнг шодлик, торликдан сўнг кенгчилик, ҳибсдан сўнг озодлик ва очликдан кейин тўйиш келади.

- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا مَا آتَاهَا سَيَجْعَلُ اللَّهُ بَعْدَ عُسْرٍ يُسْرًا﴾

“Аллоҳ ҳар бир нафсни Ўзи берганидан ортиқчага таклиф қилмас. Аллоҳ қийинчиликдан сўнг тезда осонликни беради” (Талоқ сураси, 7-оят).

У зот муаммоларни кетказади, ёрдам эшигини очади, ёрдам беради ва ҳолатни ислоҳ этади.

- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿فَصَبِّرْ بِمِثْلِ﴾

“Чиройли сабр...” (Юсуф сураси, 18-оят).

Ҳолат тезда ўзгаради, нафс хотиржам бўлади, кўнгил ёришади, иш енгиллашади, тугун ечилади ва ғам-ташвиш йўқолади.

- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿وَتَوَكَّلْ عَلَى الْحَيِّ الَّذِي لَا يَمُوتُ وَسَبِّحْ بِحَمْدِهِ﴾ ﴿١٠٢﴾

“Ва барҳаёт, ўлмайдиган Зотга таваккал қил
ҳамда Уни ҳамду сано ила поклаб ёд эт” (Фурқон
сураси, 58-оят).

Таваккал қилинг, шунда У ҳолатингизни тўғрилайди, кўнглингизни ёриштиради, молингизни муҳофаза этади, оилангизни асрайди ва орзуларингизни амалга оширади.

- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿حَسْبُنَا اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ﴾

**“Бизга Аллоҳнинг Ўзи етарли ва У қандай ҳам
яхши вакил” (Оли Имрон сураси, 173-оят).**

У зот биздан ғам-ташвишларни кетказади,
гуноҳларимизни кечиради, қалбларимизни ислоҳ
қилади ва айблардан халос этади.

- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿إِنَّا فَتَحْنَا لَكَ فَتْحًا مُّبِينًا﴾

“Албатта Биз сенга равшан фатҳни бердик”
(Фатҳ сураси, 1-оят).

Биз сени ҳидоятга бошладик, танлаб олдик, муҳофаза қилдик, ёрдам бердик, улуғладик ва барча имтиҳонлардан гўзал ҳолатда ўтказдик.

- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿وَاللَّهُ يَعِصْمُكَ مِنَ النَّاسِ﴾

“Аллоҳ сени одамлардан сақлайди” (Моида сураси, 67-оят).

Сенга душман тега олмайди ва бирор ёмонлик ета олмайди. Сенга бирор ҳасадгўй ғолиб кела олмайди ва бирор золим зарар келтиролмайди.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿وَكَانَ فَضْلُ اللَّهِ عَلَيْكَ عَظِيمًا﴾

“Ва сенга Аллоҳнинг фазли улуғ бўлди” (Нисо сураси, 113-оят).

У сени яратди, ризқ берди, билмаганингни ўргатди, тўғри йўлга бошлади, одоб берди, ҳимоя қилди ва ёмонликлардан сақлади.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿وَمَا بِكُمْ مِّن نِّعْمَةٍ فَمِنَ اللَّهِ﴾

“Сизда қайсики неъмат бўлса, Аллохдандир”
(Наҳл сураси, 53-оят).

“Мен ишимни Аллоҳнинг Ўзига топширдим. Албатта, Аллоҳ бандаларини аниқ кўриб тургувчидир” (*Ғофир сураси, 44-оят*).

Яъни, шикоятимни У зотга айтаман ва ҳолатимни Унгагина билдираман. У ҳақидаги гумонимни гўзал қиламан, Унга таваккал қиламан, ҳукмларига рози бўламан ва У сабаб хотиржам бўламан.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿اللَّهُ لَطِيفٌ بِعِبَادِهِ﴾

“Аллоҳ бандаларига лутфлидир” (*Шуро сураси, 19-оят*).

У зот бандалари муҳтож бўлганда ёрдам беради, қаҳатчиликда қолсалар ёмғир ёғдиради, истиғфор айтсалар кечиради ва касал бўлсалар шифо беради.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿قُلْ يُعْبَادِيَ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَىٰ أَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ﴾

“Сен менинг тарафимдан: «Эй ўз жонларига исроф (жабр) қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар. Албатта, унинг ўзи ўта мағфиратли ва ўта раҳмли зотдир» деб айт.” (*Зумар сураси, 53-оят*).

У раҳмат эшикларини ёпмайди ва пардасини туширмайди. Унинг ҳазинаси тугамайди ва фазли адо бўлмайди.

- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿أَلَيْسَ اللَّهُ بِكَافٍ عَبْدَهُ﴾

“Аллоҳ Ўз бандасига етарли эмасми?!” (Зумар сураси, 36-оят).

Бандаси ғам-ташвиш тортган нарсага Ўзи кифоя, унга зарар бермоқчи бўлганлардан ҳимоя қилади ва муҳофаза этади.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿فَابْتَغُوا عِنْدَ اللَّهِ الرِّزْقَ وَاعْبُدُوهُ وَاشْكُرُوا لَهُ إِلَيْهِ تُرْجَعُونَ﴾

“Ризқни Аллоҳнинг ҳузуридан истанглар” (Анкабут сураси, 17-оят). Ҳазиналар Унинг ҳузурида ва барча яхшилик Унинг қўлидадир. У ўта сахий, неъматларни беминнат берувчи ва барча нарсани билувчи Зотдир.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿وَمَنْ يُؤْمِنْ بِاللَّهِ يَهْدِ اللَّهُ قَلْبَهُ، وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾

“Ким Аллоҳга иймон келтирса, У зот унинг қалбини ҳидоятга солур. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчидир” (Тағобун сураси, 11-оят).

Яъни, иймон келтирганларнинг қийинчилигини аритади, гуноҳларини кечиради, қалбидаги ёмонликни кетказди, йўлини ёритади ва қадамини тўғрилаб қўяди.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَذْكُرُوا نِعْمَتَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ﴾

﴿وَقَالَ رَبُّكُمْ ادْعُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِينَ يَسْتَكْبِرُونَ عَنْ

Шундай экан, Унга кулфатларингизни кўтаринг ва хожатларингизни Унга айтинг. Ундан муродингиз ва ризқингизни сўранг ҳамда Унга ҳолатингизни шикоят қилинг.

- Ахлоққа муҳтожлар сизни сўкишса, озор беришса уларга обрўингиздан садақа қилиб, ҳаққингизни ҳалол қилиб қўяверинг. Бунинг эвазини Аллоҳнинг ҳузурида топасиз.

- Кема капитанлари кўрққан пайтда “Ё Аллоҳ!” дея нидо қилади. Йўловчи йўлини йўқотиб қўйса “Ё Аллоҳ!”, дея хайқиради. Маҳбус ҳам ғамга тушса, шундай нидо қилади, касал қийналса ҳам...

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿ذٰلِكَ بِاَنَّ اللّٰهَ مَوْلٰى الَّذِيْنَ ءَامَنُوْا وَّ اَنَّ الْكٰفِرِيْنَ لَا مَوْلٰى لَهُمْ﴾

“Шундоқ бўлиши, албатта, Аллоҳ иймон келтирганларга дўст эканлигидан ва албатта, кофирларга дўст йўқлигидандир” (Муҳаммад сураси, 11-оят).

Аллоҳ мўминлар йўлини нурлантириб, очиб қўяди. Уларни ҳидоятга бошлайди, залолатдан ҳимоя қилади ва жоҳилликдан сақлайди.

- Азиз инсонлар! Аёлларга юмшоқ муомалада бўлинг, қалбларга илтифот кўрсатинг, инсонларга раҳм-шафқат, яхшилик қилинг ва олимларни эъзозланг...

• Нафрат, айбларни беркитинг, хатоларни кўрмаганликка олинг, ёмонликни кечиринг. Шунда инсонларнинг энг суюклиси бўласиз!

• Агар уйингиз, нурли қалбингиз ва тақвоингиз бўлса, дарҳақиқат муваффақиятга эришибсиз.

• Яшашга керак бўлган ортиқча нарсалар муаммо ва ҳожатдан ташқариси эса оғирликдир. Оз бўлсада етарли бўлгани исроф ва дабдабадан кўра яхшироқдир.

• Фитна тугунларини боғлашга уринманг ва бошқаларни кузатиш ҳақида ўйламанг. Инсонлар сиз билан машғул деб ўйламанг, чунки ҳар ким ўзи билан ўзи оворадир.

• Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿فَسَيَكْفِيكَهُمُ اللَّهُ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ﴾

“Аллоҳ сенга улар (ёмонлиги)дан кифоя қилади. Ва У эшитувчи, билувчи зотдир” (Бақара сураси, 137-оят).

Яъни, Аллоҳ уларнинг макрини қайтаради, найрангларини йўқ қилади, қўшинларини мағлуб этади, қувватларини йўқотади ва ўзларини тарқатиб юборади.

• Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿فَأَنْزَلَ السَّكِينَةَ عَلَيْهِمْ وَأَثْبَتَهُمْ فَتَحًا قَرِيبَ﴾

“Уларга сокинликни туширди ва яқин фатҳ ила мукофатлади” (*Фатҳ сураси, 18-оят*).

Яъни, уларнинг ташналикларини қондирди, дардларига шифо берди, кўнгилларидаги оловни ўчирди, қалбларига хотиржамлик берди ва поклади.

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ:
تَبَسُّمُكَ فِي وَجْهِ أَخِيكَ لَكَ صَدَقَةٌ

Абу Зарр розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Биродаринг юзига табассум қилмоғинг садақадир”**, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Чунки инсоннинг юзи китобнинг муқоваси ва қалбнинг кўзгуси кабидир. Табассум яхшилик умидини уйғотади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ:
وَالْكَلِمَةُ الطَّيِّبَةُ صَدَقَةٌ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **“Ширин сўз ҳам садақадир”** (*Имом Муслим ривояти*).

Ширин сўз кўнгилни шод ва қалбни хушнуд этади. Жароҳатни даволайди ва нафрат оловини ўчиради.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿أَدْفَعِ بِأَلَّتِي هِيَ أَحْسَنُ السَّيِّئَةِ﴾

“Сен ёмонликни гўзал нарса ила даф қил”
(Мўминун сураси, 96-оят)

Яъни, ўч олишни тарк этиш, чиройли хитоб қилиш, гўзал муомала ва ёмонликларни унутиш билан ёмонликка яхшилик ила жавоб беринг.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿مَا أُنْزِلْنَا عَلَيْكَ الْقُرْآنَ لِتَشْقَى﴾

“Сенга Қуръонни бадбахт бўлишинг учун нозил қилганимиз йўқ” (Тоҳа сураси, 2-оят).

Яъни Қуръони каримни бахтиёр бўлишинг, руҳинг хушнуд ва нафсинг сокин бўлиши ҳамда муваффақият боғи ва саодат жаннатига киришинг учун нозил қилдик.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿هُوَ أَجْتَبَاكُمْ وَمَا جَعَلَ عَلَيْكُمْ فِي الدِّينِ مِنْ حَرَجٍ﴾

“У сизларни танлаб олди. Ва сизга бу динда ҳеч танглик қилмади” (Ҳаж сураси, 78-оят).

Яъни, динни енгиллик, машаққат ва кулфатдан узоқ ҳамда қийинчилик ва зулмдан саломат қилдик.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿وَتُيسِّرُكَ لِلْيُسْرَى﴾

“Ва сени осон йўлга муяссар қиламиз” (*Аъло сураси, 8-оят*).

Роббингизга муҳаббат билан тоат-ибодат ва унинг йўлида ҳақиқий жидду жаҳд қилинг. Шунда бу йўлдаги азоб сиз учун ширин ва бу йўлдаги заҳар сиз учун асалдек бўлади.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿لَا يُكَلِّفُ اللَّهُ نَفْسًا إِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا
اَكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تَأْخِذْنَا إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا رَبَّنَا وَلَا تَحْمِلْ
عَلَيْنَا إِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلَى الَّذِينَ مِنْ قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلْنَا
مَا لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِ ۖ وَاعْفُ عَنَّا وَارْحَمْنَا أَنْتَ
مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلَى الْقَوْمِ الْكَافِرِينَ﴾

“Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарасага таклиф қилмас. Фойдаси ҳам касбидан, зарари ҳам касбидан. Эй Роббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, (иқобга) тутмагин. Эй Роббимиз, биздан олдингиларга юклаганга ўхшаш оғирликни бизга юкламагин. Эй Роббимиз, бизга тоқатимз етмайдиган нарсани юкламагин. Бизни афв эт, мағфират қил ва раҳм эт. Сен ҳоҷамизсан. Бас, кофир қавмларга бизни ғолиб қил” (*Бақара сураси, 286-оят*).

“Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсасага таклиф қилмас”.

Демак, буйруқ тоқатдан юқори бўлмайди. У инсоннинг тоқати, қудрати ва иқтидорига яраша бўлади.

“Эй Роббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, (иқобга) тутмагин”.

Чунки биз ғамга ботиб қоламиз, баъзида ғафлатда қоламиз. Роббимиз Ўзинг бизни кечиргин! Биз маъсум ҳам, гуноҳдан омонда ҳам эмасмиз, лекин Сенинг фазлинг ва раҳматингдан умидвормиз.

“Эй Роббимиз, биздан олдингиларга юклаганга ўхшаш оғирликни бизга юкламагин”.

Биз заиф ва мискик бандаларингмиз. Сен эса бизга қандай дуо қилишни ўргатган Зотсан, энди Ўзинг ижобат айла!

“Эй Роббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юкламагин”.

Чунки биз ожизмиз. Қалбларимиз толиб, нафсларимиз малолланиб қолади. Ўзинг бизга осон ва енгил қил!

“Бизни афв эт”. Гуноҳкор ва кўп хато қилувчимиз. Бизнинг камчилик ва нуқсонларимиз жуда кўп. Сен эса ўта сахий, карами кенг, меҳрибон ва раҳмли Зотсан!

“Мағфират қил ва раҳм эт”. Гуноҳларни фақатгина Сен кечирасан, айбларни фақатгина Сен

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:
يَا أَيُّهَا النَّاسُ، إِيَّاكُمْ وَالْعُلُوَّ فِي الدِّينِ ؛ فَإِنَّهُ أَهْلَكَ مَنْ كَانَ
قَبْلَكُمْ الْعُلُوَّ فِي الدِّينِ

Демак, бидъат эмас балки, суннатга эргашиш, қаттиқлик эмас, енгиллик қилиш ва ҳаддан ошиш эмас, ўртача бўлиш лозим экан.

عَنْ أَبِي مُوسَى قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ :
أُمَّتِي هَذِهِ أُمَّةٌ مَرْحُومَةٌ، لَيْسَ عَلَيْهَا عَذَابٌ فِي الْآخِرَةِ، عَذَابُهَا
فِي الدُّنْيَا الْفَقْرُ وَالزَّلَازِلُ وَالْقَتْلُ

Абу Мусо Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам айтдилар: *“Бу менинг умматим раҳм қилинган*

умматдир. Уларга охиратда азоб йўқ, уларнинг азоби бу дунёдаги фитналар, зилзилалар ва қиргинлардир” (Имом Абу Довуд ривояти).

عَنِ الْعَبَّاسِ بْنِ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : ذَاقَ طَعْمَ الْإِيمَانِ مَنْ رَضِيَ بِاللَّهِ رَبًّا، وَبِالْإِسْلَامِ دِينًا، وَبِمُحَمَّدٍ رَسُولًا

Аббос ибн Абдул Мутталиб розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **“Ким Аллоҳни Робб, Исломи дин, Мухаммадни Расул, деб рози бўлса, иймон таъмини тотибди”**, дедилар (Имом Муслим ривояти).

Демак, ушбу уч нарса розилик ва нажот асослари экан.

- Ғазабланишдан сақланинг. Чунки у ғам-ташвиш, қалб парчаланиши, кўнгил оғриши, ҳолатнинг ёмонлашиши ва умр зое бўлишининг бош омилидир.

- Розилик қалбда сакинат, роҳат, тинчлик, хотир-жамлик, шодлик ва хурсандлик пайдо бўлишига сабаб бўлади. Яна у қалбни ғашлик, дағаллик, ғазаб, эътироз, маллоланиш ва нафратдан сақлайди.

- Ким Аллоҳдан рози бўлса У зот унинг қалбини нур, иймон, муҳаббат, қаноат, беҳожатлик, эминлик ва хотиржамликка тўлдиради.

мусофир каби бўлгин”, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Бир бурда нон, бир хўплам сув, бир бош кийим, санокли кун ва кечалар... Шу билан олам ниҳоясига етади. Сўнг, бойнинг ҳам, камбағалнинг ҳам қабри бир хил бўлади.

- Подшоҳлар оддий ходимлар, бошлиқлар қоролулар, машҳур шоирлар камбағаллар ва бойлар эсамискинлар ёнига дафн этилади. Аммо қабрга биргакирган амаллар эса турфа хил бўлади ва даражаларниўзгартириб юборади.

• Агар янги кун сизга меҳмон бўлиб келса унга: “Хуш келибсиз, ҳурматли меҳмон!”, денг ва фарз намозлар, вожиб амаллар ва тавба билан ўтказинг. Уни гуноҳ ва ғам-ташвишлар билан хафа қилманг. Чунки у бошқа қайтмайди.

- Ўтган кунларни эсласангиз хурсанд бўлишингиз учун гўзал тарихингизни эсланг. Бугунингизни ёдга олмоқчи бўлсангиз, шод бўлишингиз учун бажаришингиз керак бўлган нарсаларни хотирланг. Эртанги кунни ўйламоқчи бўлсангиз, яхшилик умиди ўйғониши учун гўзал орзуларингизни ёдга олинг.

- Узун умр бой тажриба, улкан билим ва кўплаб маълумотлардир. Ҳар сафар янги кун келганда сиз ҳаёт фанларидан янги бир дарсни қабул қиласиз. Албатта, узун умр ақлли инсонлар учун баракадир.

- Тинчликни эслашингиз, дуога ҳаракат қилишингиз ва каттароқ хатардан огоҳ бўлишингиз учун ҳам бироз хавф керак. Худди шунингдек, соғлиқни қадрлашингиз, кибр ва манманликни таг-томири билан кўпоришингиз учун ҳам бироз касаллик лозим бўлади.

- Ҳаёт ўзи жуда қисқа, уни ғазабланиб янада қисқартирманг. Дўстлар шундоқ ҳам оз уларни маломат қилиб янада камайтирманг. Душманлар эса кўп, уларни ёмон хулқингиз билан янада кўпайтирманг.

- Сабр-матонатда чумоли каби бўлинг. Чунки у дарахтга юз марта чиқиб тушади, сўнг уйига қайтади, лекин ҳеч малолланмайди ва чарчамайди.

- Асалари каби бўлишга интилинг. Чунки у пок нарсани ейди, пок нарса ишлаб чиқаради. Бирор шох ёки гулга қўнса уни синдирмайди ва зарар бермайди.

- Фаришталар ит бор уйга кирмайди. Шундай экан, шаҳват ва шубҳа итлари бор қалбга сакинат қандай кирсин?!

- Хусумат масжисларига боришдан сақланинг. Чунки уларда дин арзимас пулга сотилади, виждон йўқотилади ва разил оёқлар билан номуслар топталади.

- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿سَابِقُوا إِلَىٰ مَغْفِرَةٍ مِّن رَّبِّكُمْ وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا كَعَرْضِ السَّمَاءِ
وَالْأَرْضِ أُعِدَّتْ لِلَّذِينَ آمَنُوا بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ﴾

“Роббингизнинг мағфиратига ва Аллохга ҳамда Унинг Пайғамбарларига иймон келтирганлар учун тайёрланган, кенглиги осмону ернинг кенглигича бўлган жаннатга мусобақалашинг”
(*Ҳадид сураси, 21-оят*).

Хаёт мусобақадан иборат. Чунки замон ўтмоқда, қуёш ботмоқда, ой чиқмоқда ва шамоллар эсмоқда... Шундай экан, сиз ҳам тўхтаб қолманг, ҳаёт қарвони сизни кутиб турмайди.

- Меҳнаткашдан оққан тер бекорчининг атиридан хушбўй, унинг инграши дангасанинг қўшиғидан кўра гўзал ва оч инсоннинг қора нони исрофгарнинг қўзичоғидан лаззатлироқдир.

- Ҳасадгўйлар тарафидан муваффақиятга эришганларга йўналтирилган сўқишлар аслида ғалаба нишонлари, зафар эълони ва афзалликнинг текин рекламасидир.

- Ғалабага насаб, таълим ва маош даражаси билан эришилмайди. Балки, олий ҳиммат ва гўзал сабр орқали қўлга киритилади.

- Барча ишларни ўз фикрингиз билан эмас, бошқалар билан маслаҳатлашиб амалга оширинг. Чунки худди арқонга бошқаси қўшилганда мустаҳкам бўл-

гани каби бир кишининг фикридан кўра икки кишининг фикри кучлироқ бўлади.

- Сизга қаратилган барча танқидни адоват деб билманг. Танқидни айтган шахснинг мақсадига эътибор қаратинг ва хулоса чиқаринг. Чунки сиз мақталишдан кўра тўғриланишга муҳтожсиз.

- Ким инсонларни таниса роҳатни ҳис этади. Уларнинг мақтовидан осмонга кўтарилиб кетмайди, ёмонлашидан жазавага тушмайди. Чунки улар тез рози бўладилар ва тез ғазаб қиладилар. Нафси уларни бошқариб туради.

- Касалликлар сизни мақсадга етишдан тўсиб қўяди деб ўйламанг. Чунки қанчадан-қанча фозил инсонлар кўр, қар, шол ва чўлоқ бўлсаларда шарафга эришганлар. Бу ҳимматга боғлиқ, жисмга эмас.

- Аллоҳ таолонинг сиздан бирор нарсани ман қилиши инъом, сиз хоҳлаган нарсадан тўсиб туриши лутф ва орзуингизни кечиктириши ёрдам бўлиши мумкин. Чунки У зот сизни ўзингиздан кўра яхшироқ билади.

- Агар сизга бирор қийинчилик келса, уни тезда ёйилиб кетадиган ёз фаслидаги булут каби деб билинг. Унинг чақмоқ чақиши ва гумбурлаши сизни чўчитмасин. Чунки кўпинча бундай булут ортидан майин ёмғир келади.

- Ҳафтада бир аҳли оилангиз билан тоза ҳавода дам олгани чиқинг. Чунки бу нарса сизга фарзанд-

ларингизни яхшироқ танитади, ҳаётингизни янгилайди ва сиздаги малолланишни кетказади.

- Илм ва маданият инсонларга ўргатилар ҳамда китобларга ёзилар экан, унинг шарафи боқий қолади. Шуҳрат ва мансаб шарафи эса худди йўқ бўлиб кетадиган соя кабидир.

- Фикрни эркин қўйиб юборилса, қайғу водийсига кетиб қолади ва у ердан ғам-ташвишни етаклаб келади. Шунинг учун уни бекор юришига қўйманг ва манфаатли нарса билан машғул қилинг.

- Инсонларга аралашиб, уларнинг бекорчи суҳбатларини эшитиш ва улар билан кўп ўтириш қалбни қотиради ҳамда кўнгилни издан чиқаради. Ибодат ва илм билан ёлғиз қолишдан кўра яхшироқ нарса йўқдир.

- Энг шарафли йўл масжид сари юрган йўлингиз ва энг тинч кўча уйингиз томон юрганингиздир. Энг қийин ўрин султоннинг ёнидагиси ва энг буюк ҳолат Роббингизга сажда қилган ҳолингиздир.

- Куръон тиловатини тинглаш, уйғоқ қалб ила зикр қилиш, ҳалол молдан эҳсон қилиш ҳамда фасоҳатли воиздан насихат тинглаш нафснинг зиёфат дастурхони ва қалбнинг боғчасидир.

- Гўзал хулқ-атвор қора кўз ва қизил юздан гўзалдир. Чунки маънавий гўзаллик шаклий гўзалликдан устундир.

- Яхши ишларни қилиш ёмонликлар келишидан ва ақл деворлари нафси ҳаво тарафга оғиб кетишдан сақлайди. Тажриба овози эса мингта воиздан кўра манфаатлидир.

- Бекорчилик, вақтичоғлик, ўйин-кулги ва вақтни зое қилиш билан умрларини ўтказаётган инсонларни кўрганингизда ўзингиздаги яхшиликлар учун Аллоҳга ҳамд айтинг.

- Ғайридинни кўрган вақтингизда Ислом неъматини учун, гуноҳкор, фожир кимсани кўрганингизда такво учун, жоҳилни кўрганингизда илм учун ва мусибатга учраганини кўрганингизда офият учун Аллоҳга ҳамд айтинг.

- Қуёш, шамоллар, анҳорлар ва мевалар сиз учун яратилган. Шундай экан, нурдан баҳраманд бўлинг, сувлардан фойдаланинг, шамолларнинг шивирлашига қулоқ тутинг ҳамда мевалардан истеъмол қилинг ва уларни беминнат берган Зотга ҳамд айтинг.

- Кўзи ожиз оламини кўришни, қулоғи қар овозларни эшитишни, ногирон юришни ва соқов сўзлашни озру қилади. Сиз эса кўра оласиз, эшитасиз, юрасиз ва гапирасиз.

- Ҳаёт бирор кишига мукаммал берилмаган. Уйи борнинг машинаси, аёли борнинг бирор иши, иштаҳаси бор одамнинг ейишга овқати ва овқати борнинг ейишга иштаҳаси йўқ. Бу бир кам дунёдир.

- Масжид охират бозори, китоб чин дўст, амал қабрда йўлдош, гўзал хулқ шараф тожи ва сахийлик энг гўзал либосдир.

- Худосизлик руҳидаги китобларни ўқишдан сақланинг. Чунки уларда қалбни ифлос қиладиган кирлик, нафсни ўлдирадиган заҳар ва қалбга доғ етказадиган ифлосликлар бор. Сиз учун руҳингизни поклайдиган ва унга шифо бўладиган Қуръондан кўра манфаатли китоб йўқдир.

- Ғазабланган ҳолатингизда қарор қабул қилманг. Чунки ғазабланган инсон тўғри фикрлаш, ўйлаб иш қилиш ва мулоҳазани йўқотади.

- Маҳзунлик йўқолганни қайтармайди, кўрқув келажакни тўғриламайди ва тушқунлик муваффақиятга олиб бормайди. Юксак руҳият ва хотиржам қалб эса муваффақият икки қанотидир.

- Инсонлар сизни ҳурмат қилишларини талаб қилманг ва омадсизлигингиз сабабли уларни маломат этманг. Балки ўзингизни маломат қилинг ва инсонлар сизни ҳурмат қилишларини хоҳласангиз ўзингизни-ўзингиз ҳурмат қилишни ўрганинг.

- Қасрлар ҳам харобага айланишини билган чодир эгаси ўз уйига рози бўлиши ва ипак либослар ҳам чириб кетишини англаган инсон йиртиқ кийимига ҳам рози бўлиши лозимдир.

- Ким нафси талаб қилган барча нарсани муҳайё қилса қалбини парчалайди, ишини зое қилади ва ғамини кўпайтиради. Чунки нафснинг хоҳишларида чегара бўлмайди. У ҳар нарсага буюраверадиған ёлғончидир.

- Эй фарзандини йўқотган инсон, сизга жаннатда ҳамд қасрлари бунёд этилган.

- Эй дунёдаги насибасидан ажраган зот, насибангиз гўзал жаннатларда сизни кутмоқда!

- Қушнинг ризқи унинг инига, шернинг овқати уясига ва чумолининг таоми яшайдиган жойига келмайди, лекин уларнинг барчаси ҳаракат қилади ва қидиради. Улар қидиргандек қидиринг, шунда улар топган нарсани сиз ҳам топасиз.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿يَحْسِبُونَ كُلَّ صَيْحَةٍ عَلَيْهِمْ هُمُ الْعَدُوُّ فَاحْذَرهُمْ فِتْلَهُمْ

اللَّهُ أَنِّي يُوَفِّكُونَ﴾

“Ҳар кичқирикни зиддиларига ҳисоблайдилар. Улар душмандирлар. Улардан ҳазир бўл. Аллоҳ уларга уруш очсин, ҳақдан қандоқ ўгирилурлар”
(Мунафиқун сураси, 4-оят).

Мунофиқлар ўлимдан олдин ўладилар, барча фалокат ва мусибатларни кутадилар. Ҳар қандай овоз, ҳаёл ва ҳаракатдан кўрқадилар. Чунки уларнинг қалблари кўрқоқ ва рухлари парчалангандир.

• Бирор сафардан кечикишингиз яхшилик, бирор аёлдан маҳрум бўлишингиз барака ва бирор ишдан бўшашингиз сиз учун фойда бўлиши мумкин. Чунки Аллоҳ таоло билади, сиз эса билмайсиз.

• Тош дарахтдан, темир тошдан, олов темирдан ва шамол оловдан кучли, лекин иймон қаттиқ шамолдан ҳам кучлироқдир.

• Сизга етган ҳар қандай қайғу эсдан чиқмас дарс ва ҳар қандай мусибат хотирангиздаги чуқур издир. Шунинг учун ҳам хотирангизда абадий қолади.

• Муваффақият қийинчилик, меҳнат ва жароҳатлардан бўлган бир катрадир. Омадсизлик эса данга-салик, бўшанглик, ожизлик ва хорликдан бўлган бир томчидир.

• Вақтинчалик шуҳратга эришиш учун интиладиган ва манфаатли илм, солиҳ амал ва гўзал ном қолдиришга ҳаракат қилмайдиган киши ҳимматсиз, ўта гўл инсондир.

عَنْ رَجُلٍ صَحَابِيٍّ قَالَ : سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى
اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ : يَا بَلَاءُ، أَقِمِ الصَّلَاةَ أَرْحَنَا بِهَا

Бир саҳобий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай
деяётганларини эшитдим: **“Эй Билол, намоз ила бизни
роҳатлантир!”**» (Имом Абу Довуд ривояти).

Намоз сакинат дарёси, эминлик анҳори ҳамда нафснинг хавф ва маҳзунлигини ўчирадиган майин шамолдир.

- Агар Роббингизга осийлик ва бирор кишига зулм қилмаган бўлсангиз хотиржам уйқуга ётинг. Чунки сиз бахтлисиз ва сизнинг душманингиз йўқ.

- Кечалари инсонлар унинг ҳаққига дуо қилган инсон бахтли бўлсин. Аксинча, ухлаганда инсонлар унинг зиддига дуо қиладиган инсоннинг ҳолига вой бўлсин.

- Дунё маҳкамасида адолат топмасангиз арзингизни охират маҳкамасига олиб чиқинг. Чунки унинг гувоҳлари фаришталар, даъво эсдан чиқмайдиган ва қозиси энг адолатли Зотдир.

- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿فَاذْكُرُونِي أَذْكُرْكُمْ وَاشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُون﴾

“Бас, Мени эслангиз, сизни эслайман. Ва Менга шуқр қилингиз, куфр қилмангиз” (Бақара сураси, 152-оят).

Агар зикрнинг фақатгина Роббингиз сизни зикр қилиши фойдаси бўлганида ҳам кифоя қилар эди. Ана шунинг ўзи улкан шараф, кадр-қиммат ва обрўдир.

- Хушхабар! Таҳорат иймоннинг ярмидир. У хатоларни кетказди, гуноҳларни ювиб юборади ва сизни оламлар Роббиси қабули учун поклайди.

• Яна бир хушхабар! Намоз ўзидан олдинги гуноҳларни кетказди ва кейинги гуноҳларни ўчиради. Ўзидан кейинги ҳолатни ислоҳ қилади ва намозхондаги тугунларни бўшатади. У кўз қувончидир.

- Саодатга эришиш борасида дарслар ва назарияларнинг ўзи кифоя қилмайди. Бахтга эришиш учун кунда бир соат пиёда юриш, сафар қилиш ва кўнгил-очар жойларга бориш каби амалий ҳаракат ҳам керак бўлади.

- Чивин кўпинча шерга қарши чиқади ва озор етказишга интилади, лекин шер унга эътибор ҳам бермайди. Чунки у ўз мақсадлари билан машғул бўлади.

- Пессимист инсондан узоқроқ юринг. Чунки сиз унга гулни кўсатсангиз, у сизга тиконини кўрсатади, унга сув узатсангиз, у сизга сувнинг ичидаги зарраларни чиқариб беради ва куёшни мақтасангиз, унинг иссиқлигидан шикоят қилади.

- Сиз ҳақиқатдан ҳам саодатга эришишни истайсизми? Уни узоқдан изламанг, у сизнинг ўзингизда. У ажойиб фикрларингиз, гўзал хаёлингиз, яхшиликка бўлган умидингиз ва эзгулик ила нурли бўлган қалбингиздадир.

• Мусибатимиз шундаки, биз кунига бир неча марта Аллоҳдан бошқа нарсалардан қўркувни ҳис этамиз: кечикишдан, хато қилишдан, шошиб қолишдан, бирор

• Нух алайҳиссалом тўфон худди вулқондек мавж ураётган пайтда йиглаб “Ё Роҳман!”, дея нидо қилдилар. Шу ондаёқ ёрдам келди ва У зот ғалаба қозондилар. Қофирлар эса мағлуб бўлишди ва ҳасратда қолишди.

• Юнус алайҳиссалом зулматли денгиз тубида қолиб кетдилар ва гуноҳни эътироф этган ҳамда йўл қўйилган камчиликдан узр сўраган шошилинич нома юбордилар. Шунда яшин тезлигида ёрдам келди. Чунки жўнатилган нома чин эди.

• Довуд алайҳиссалом гуноҳларини кўз ёшлари билан ювдилар. Шунда у зотнинг тавба кийимлари оппоқ бўлди. Чунки у мато меҳробда тўқилган ва “тикувчи”си ҳам ишончли эди ҳамда ушбу кийим сахар чоғи ювилганди.

• Агар иш қийинлашиб, қайғу ўта қаттиклашиб кетган ва умидсизлик сизни чулғаб олган бўлса хурсандчиликни кутаверинг, у яқиндир.

• Агар Аллоҳ таоло сизни ғамга солган ташвишдан озод этишини хоҳласангиз катта-кичик ҳар қандай махлуқотдан умидингизни узинг ва Аллоҳдан ўзгага боғланманг.

• Руҳиятингиз худди тушган идишини ўзининг рангига бўяйдиган суюқликка ўхшайди. Агар у рози бўлса саодат, яхшилик ва гўзалликни кўрасиз. Агар у ранжиган, сиқилган бўлса бахтсизлик, ёмонлик ва хунукликнигина кўра оласиз.

- Агар Аллоҳга итоат этсангиз, бориға қаноат қилсангиз, йўқсилларни овутсангиз мақсадга эришибсиз ва мақталган сифатларга эга бўлибсиз.

- Кимнинг кўксида иймон ва зикрдан бўстони ҳамда хотирасида илм ва тажрибадан боғи бўлса дунё борасида йўқотган бирор нарсасидан афсус чекмайди.

• Бахтли бўлишни узоқдаги фарзанди келгунича, уй кургунича ёки муносиб иш топгунича кечиктирадиган инсон сароб ва уйғоқлик тушларига алданиб қолибди.

- Табассум – ҳалол сеҳрдир. У муҳаббат сармояси ва биродарликни эълон этишдир. У саломатлик ва муҳаббатни етказадиган рисола ҳамда табассум эгаси хотиржам ва рози эканини билдирадиган садақадир.

- Чалкашлик, бетартиблик ва паришонликдан сақланинг. Бундай ҳолга тушишнинг сабаби тартибнинг йўқлигидир. Буни ҳал қилиш эса кундалик ишларни жадвал билан амалга ошириш билан бўлади.

- Агар бирор қийинчилик ёки мусибатга дуч келсангиз ўтаётган ҳар бир кундан хурсанд бўлав-ринг. Чунки у мусибатни енгиллатади, қийинчи-ликни камайтиради. Қийинчилик ҳам инсон умри каби қисқадир.

- Дунёвий мақсадларнинг тўхтайдиган бир чегараси бўлиши лозим. Масалан, яшайдиган бир ўйингиз,

муносиб ишингиз ва минадиган машинангиз бўлиши кифоядир. Орзу эшикларини ланг қилиб очиб қўйиш бахтсизликка олиб боради.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿لَقَدْ خَلَقْنَا الْإِنْسَانَ فِي كَبَدٍ﴾

“Батаҳқиқ, Биз инсонни машаққатда яратдик”

(Балад сураси, 4-оят).

Бу инсон учун белгилаб қўйилган ўзгармас қонуниятдир. У доимий кийинчилик, машаққат ва меҳнатда ҳаёт кечиради. Шунинг учун ҳам инсон воқеликни эътироф этиши ва ҳаёт билан ҳамкорлик қилиши лозим.

- Барча кунларини ўйин-кулгу ва бекорчилик билан ўтказадиган инсон бахтли бўламан деб ўйлайди. У мажбуриятлар ва вақтичоғлик ўртасидаги мувозанатни сақламагани учун доимий ғам-ташвишга дучор бўлишини билмайди.

- Ҳаётингизда ортиқча нарсаларнинг барчасидан, ҳатто чўнтагингиз ёки столингиздаги қоғозлардан ҳам халос бўлинг. Чунки барча нарсанинг ошиқчаси зарарлидир.

- Саҳобалар энг бахтли инсонлардир. Чунки улар қалб кечинмалари ва нафс васвасалари каби кичик нарсаларга эргашмасдан, асл нарсалар ҳақида қайғурур ҳамда ўз мақсадлари билан машғул бўлишарди.

- Ибодатларни адо этишда диққатни жамлашга ҳаракат қилинг. Чунки тушунмасдан ўрганиш, хушуд-сиз намоз ва тафаккурсиз мутолаадан наф йўқ.
- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿وَالْكُظُمِينَ الْعِظَى وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ
الْمُحْسِنِينَ﴾

“**(Улар) ғазабини ютадиганлар ва одамларни авф қиладиганлардир. Аллоҳ муҳсинларни ёқтиради**” *(Оли Имрон сураси, 134-оят).*

Мўминлар ғазабларини бошқарадилар. Унинг белгилари сўкиш, озор бериш ва душманчилик қилишда кўриниб қолмайди. Балки улар нафсларини тийишади ва интиқом олишни тарк этишади.

“Одамларни авф қиладиганлардир”. Улар кечиримлиликни изҳор этишади ва бағрикенгликни эълон қилишади. Азият берганлардан ўч олишга уринишмайди. Шунчаки ғазабларини беркитибгина, қолмай ҳалимлик ва кечиримлиликни ҳам кўрсатишади.

“Аллоҳ муҳсинларни ёқтиради”. Муҳсинлар – зулм қилганларни кечирган, уларга яхшилик қилган ва қўлларидан келганича ёрдам берган кишилардир. Золимлар зулм қилишсада улар яхшилик қилишади. Шунинг учун ҳам улар энг олий мартаба ва мақомга лойиқ кўрилгандирлар.

• Бир рўйхат қилиб унга сизни хурсанд қиладиган ишларни белгилаб боринг: Кимни кўрганингизда хурсанд бўлдингиз? Қаерга борганингизда шодландингиз? Қайси ишни қилганингизда бахтни ҳис этдингиз? Агар бирор яхши ҳисни туйсангиз уни рўйхатга киритиб қўйинг. Шунда бир муддатдан сўнг сизни бахтиёр қиладиган фикрлар жамланган бир рўйхатга эга бўласиз.

Шундан сўнг сизни бахтли қиладиган ишларни қилинг ва бошқа ишларни хаёлингиздан чиқариб юборинг.

• Ўзингиздан рози бўлинг ва уни ўз ҳолича қабул қилинг. Ўзингиздан рози, қилаётган ҳаракатингизга ишонган ва модомики, тўғри йўлда экансиз сизга қаратилган танқидга эътибор қилмаган ҳолда бир қарорга келишингиз муҳим саналади. Чунки хато қилишга қўрқишдан ва шубҳа аралашган жойдан омад юз ўгиради.

• Яхшилик қилинг ва бошқаларга ёрдам беринг. Барчадан узилган, ёлғиз инсон бўлиб қолманг. Чунки ёлғизлик бахтсизлик манбаидир. Бахтсизлик, хафалик ва дилхираликларнинг барчаси оилангиз ҳамда инсонлар билан бирга бўлган ва уларга нимадир ёрдам берган вақтингизда йўқ бўлиб кетади.

- Доимо бирор иш билан машғул бўлинг. Имкониятларингиздан кўпроқ нарса қилишга ҳаракат қи-

линг. Ажойиб ишлар билан ўзингизни машғул қилсангиз кўпроқ бахтли бўласиз. Чунки дангасалик хафаликни ўстиради.

- Қайғу ва кулфатларга қарши курашинг. Агар сизни бирор иш безовта қилса ўзингиз яхши кўрадиган жисмоний иш билан машғул бўлинг. Муайян бирор спорт ёки дўстлар билан сафар қилиш каби олдинлари сизни хурсанд қилган бирор ишни қилишингиз ҳам мумкин. Шунда руҳий ҳолатингиз яхшиланганини кўрасиз.

- Бирор ишни охирига етказа олмасангиз хафа бўлманг. Шуни билингки, буюқларнинг ишлари ҳеч қачон тугамайди. Баъзи инсонлар фақатгина барча ишлари охирига етсагина бахтли бўламиз деб ўйлашади. Масъулиятли шахс ўз ишини имкон қадар бепарволик қилмасдан бажаради ва модомики, камчиликка йўл қўймас экан айна вақтнинг ўзида роҳатни ҳам ҳис этади.

- Мусобақалашиш ва курашишда ҳаддан ошманг. Ўзингизга қаттиққўллик қилмасликни ўрганинг. Хусусан, беллашганингизда ғолиблик билан масрур бўлиш ҳиссини ўзингизга шарт қилиб олманг.

- Ҳис-туйғуларингизни яширманг. Уларни яшириш сиқилиш ва бахтни ҳис қила олмасликка олиб боради. Шундай экан, ҳисларингизни руҳингизга босим бермайдиган муносиб услубда баён этинг.

• Бошқаларнинг юкини ўзингизга олманг. Кўпинча инсонлар унга ҳеч қандай алоқаси бўлмасада бошқа бир шахснинг ҳафалиги сабабли масъулият, гуноҳкорлик ва айбдорликни ҳис қилишади.

Унутманг, ҳар бир инсон ўзига-ўзи масъул бўлади ҳамда ғамхўрлик ва ёрдам беришнинг ҳам чегараси бор. Инсон ўзини жуда яхши билади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿وَلَا تَزِرُ وَازِرَةٌ وِزْرَ أُخْرَىٰ﴾

“Ҳеч бир жон бошқанинг оғирлигини кўтармас” (*Анъом сураси, 164-оят*)

• Тезроқ қарор қабул қилишга ҳаракат қилинг. Секин қарор қабул қилиш саодатли вақтингиздан соатлар, кунлар, ҳатто ойларни тортиб олади. Унутманг, бирор қарорни қабул қилиш ундан асло қайтиш ёки ўзгартириш мумкин эмаслигини аңлатмайди.

• Ўзингизни қадрлашни ўрганинг. Бирор ишга ҳаракат қилганингизда ушбу ҳикматни ёдингизга олинг: “Ўз жонини қадрлаган инсонга Аллоҳ раҳм қилсин!”. Масалан, агар эллик ёшга кирган бўлсангиз ҳамда спорт билан шуғулланишни истасангиз футбол эмас балки, юриш, сузиш ёки теннис ўйнаш ҳақида ўйлаб кўринг. Доимий маҳоратингизни ошириб боришга ҳаракат қилинг.

- Ўзингизни танишга ҳаракат қилинг. Ҳаёт денгизида ўз ҳолатини ўрганиш учун вақт ажратмасдан туриб ҳаракатланишга уриниш катта ақлсизликдир. Ўзини англамайдиган ва имкониятларини билмайдиган инсонлар айнан шундай бўладилар.

• Амалий ҳаётингизда мўътадил бўлишга интилинг. Имконингиз бўлса бир муддат ишланг. Қадимги юнонлар инсон дам олишдан ва бўш вақтдан маҳрум бўлса инсонийлигини муҳофаза қила олмайди деб билишарди.

- Доимо саргузаштларга тайёр туринг. Ширин ҳаётга эришиш учун ягона йўл бу унинг хавф-хатарларидан қўрқмасликдир. Ушбу йўлни унинг хатарларига тайёр бўлмасдан туриб босиб ўта олмайсиз. Масалан, чўкиб кетмаслик учун сузишни ўрганиб олинг.

- Барча кулфлар очилади, тугунлар ечилади, узоқликлар яқин бўлади ва кетганлар қайтади... Фақат бунинг учун бироз вақт керак бўлади.

- Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا اسْتَعِينُوا بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ﴾

“Эй иймон келтирганлар! Сабр ва намоз ила мадад сўранглар. Албатта, Аллоҳ сабрлилар биландир” (Бақара сураси, 153-оят).

Сабр ва намоз ҳаёт ёнилғиси, сафар захираси, орзу эшиги ва муваффақият калитидир. Ким сабр қилса ва намозларини доимий тўқис адо этса аниқ зафар кучади ва ғалаба қозонади.

• Билол розияллоҳу анҳу қаттиқ азобланди, калтакланди, қувилди ва ҳар судралди, лекин: “Аҳад! Аҳад!” (Аллоҳ ягона), дея такрорлашдан тўхтамади. Жаннатга кирганларида эса сарфлаган нарсаларини жуда оз деб билди. Чунки у қўлга киритган нарса тўлаган тўловидан бир неча баробар қиммат эди.

• Дунё нима? У сизга эмас, сиз унга хизмат қиладиган башанг кийимлар-ми? Ёки қалбингизни унинг муҳаббати билан азоблайдиган гўзал аёл-ми? Ёки кўпайтирганингиз сари сиз унга хизматкор бўладиган мол-дунё-ми? Агар шу нарсалар дунёнинг хурсанчилиги бўлса, унинг маҳзунлиги қандай бўларкин?!

- Барча ақлли инсонлар бахт-саодатга илм, мол-дунё ёки мансаб билан етишга интилади. Аслида, уларнинг энг бахтлиси иймон соҳибидир. Чунки унинг бахти ҳар қандай ҳолатда Роббисига йўлиққунга қадар давом этади.

- Одамларнинг энг ақллиси уларга узр топувчирогидир. Чунки у инсонларнинг ишлари ва сўзларини энг гўзал ҳолатларга буриб юборади. Бундан ўзини ҳам, бошқаларни ҳам роҳатлантиради.

- Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

﴿فَاحْذِ مَا ءَاتَيْتَكَ وَكُن مِّنَ الشَّاكِرِينَ﴾

“Бас, сенга берган нарсамни ол ва шукр қилувчилардан бўл!” (*Аъроф сураси, 144-оят*).

Яъни, ўзингизда бориға қаноат қилинг ва рози бўлинг. Ўзингиздаги иқтидордан фойдаланинг, уни манфаатли ўринга сарфланг ва Аллоҳ сизга берган нарсалар учун ҳамд айтинг.

- Кунингизнинг барчасини фақат ўқиш, тафаккур қилиш ёки ёдлашга ажратманг. Бунинг ўрнига барчасини оз-оздан бажаринг ва ишларингиз турини ўзгартириб турунг. Бу нафсга тетиклик бахш этади.

- Намозлар вақтни тартибга солади. Шунинг учун ҳар намоздан кейин бирор манфаатли иш билан машғул бўлинг.

- Банда зайф ва ожизлиги сабабли ғайб пардалари ортида нима борлигини билмайди. У фақатгина зоҳирий ҳолатдаги ишларнигина кўра олади, аммо Роббимиз эса махфийларини ҳам билади. Қанчадан-қанча синовлар инъомга, яна қанча мусибатлар тортиққа айланади. Яхшиликлар ёмон кўрилган нарсалар ортига беркитилган бўлади.

- Отамиз Одам алайҳиссалом тақиқланган мевадан едилар ва Роббиларига осий бўлдилар. Аллоҳ таоло У зотни жаннатдан ерга юборди. Одам алайҳиссалом яхши нарсани тарк қилдилар ва мусибатга

йўлиқдилар, лекин ишларининг охири улкан яхшилик ва фазилат бўлди. Аллоҳ таоло У зотнинг тавбаларини қилиб, танлаб олди ва Пайғамбар қилди ҳамда У зотнинг сулбидан пайғамбарлар, олимлар, шаҳидлар, обид ва авлиёларни чиқарди. Аллоҳ таоло бу ҳолатни қуйидагича баён қилади:

﴿وَقُلْنَا يَا آدَمُ اسْكُنْ أَنْتَ وَزَوْجُكَ الْجَنَّةَ وَكُلَا مِنْهَا رَغَدًا
حَيْثُ شِئْتُمَا وَلَا تَقْرَبَا هَذِهِ الشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ الظَّالِمِينَ﴾

“Ва: «Эй Одам, сен ўз жуфтинг ила жаннатда маскан топ. Унда нимани хоҳласаларингиз, енглар, ош бўлсин ва мана бу дарахтга яқин келманглар, бас, у ҳолда золимлардан бўласизлар», дедик”
(Бақара сураси, 35-оят).

Кейинги ҳолатларини эса бундай баён қилади:

﴿ثُمَّ آجَبْنَاهُ رَبُّهُ فَتَبَّأَ عَلَيْهِ وَهَدَى﴾

“Сўнгра Робби уни танлаб олди, бас, тавбасини қабул қилди ва хидоятга бошлади” (Тоҳа сураси, 122-оят).

У зотнинг аввалги ҳолатлари хотиржамлик ва еб-ичиш эди. Бу эса аксар инсонларнинг ҳолатидир. Аммо тавбалари қабул бўлиб, пайғамбар бўлганларидан кейинги ҳолатлари эса буюк ҳолат ва шарафли мақом эди.

- Аллоҳ таолонинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга берган яхшиликлари жуда гўзалдир. Чунки у зотга рўй берган барча ёмон нарсалар суюкли ва яхши нарсаларга айланди. У зотни қавмлари ёлғончига чиқариши ва қарши курашиши – жиҳодга, Аллоҳ таоло у зотга ғалаба бериши ҳамда Унинг йўлида қурбонлик қилишларига сабаб бўлди. Аллоҳ таоло нусрат берган ғазотлар, фатҳлар ва уларда мўминларнинг шаҳид бўлишлари уларни жаннатга эриштирди. Эҳтимол мушрикларнинг қаршиликлари бўлмаганида бу улкан яхшиликлар ҳам бўлмас эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан қувилган вақтларида кўринишидан бу ёмон ишдек эди, лекин унда улкан яхшиликлар яширинганди. Чунки бу хижратдан кейин Ислом давлатини бунёд этдилар, ўзларига ёрдамчиларни топдилар, мўминлар кофирлардан ажралиб турадиган бўлдилар ва чин иймон эгалари ёлғончилардан ажралди.

Уҳуд ғазотида мусулмонлар мағлуб бўлиши мусибатдек эди, лекин унинг ортидан таърифлаш мушкул даражада яхшиликлар келди: Бадрдаги ғалабадан кейин баъзи қалбларга ўрнашган манманлик ва ўзига қаттиқ ишониш ҳисси йўқолди; Аллоҳ таоло бир қанча саҳобаларни шаҳидлик мақомига эриштирди; мунофиқлар аниқ ажралиб қолди ва ҳоказо.

- Аллоҳ таоло унга фақат яхшиликни ирода қилишини билган бандага мусибат ва қийинчиликлар

енгил бўлиб қолади. У Аллохдан лутф кутади, албатта яхшилик келишига ишонади. Шунда унинг маҳзунлиги, кўнгли сиқилиши ҳамда хафалиги арийди. Ишларини Роббисига топшириб қўяди. Ғазаб ҳам, эътироз ҳам қилмайди. Ундан мусибат булутлари узок кетгунига қадар сабр ва шукр қилади.

- Нух алайҳиссалом даъват йўлида сал кам минг йил озор чекдилар, лекин сабр қилдилар, савоб умидида бўлдилар ва даъватни кечаю кундуз, ошкора ҳамда махфий ҳолатда давом эттирдилар. Ҳатто Аллох таоло у кишига нажот берди ва тўфон билан душманларини ҳалокатга учратди.

- Иброҳим алайҳиссалом оловга ташландилар, лекин Аллох таоло оловни муздек қилиб қўйди. У зотни Намруддан ҳимоя қилди, қавмларининг ҳийласидан озод қилди, уларнинг устидан ғолиб айлади ва динларини ер юзида боқий қолдирди.

- Мусо алайҳиссаломга Фиръавн турли фитна, макр ва ҳийлалар қилди ҳамда турли азоблар берди. Аллох таоло у зотга ёрдам берди, Фиръавн сеҳргарларининг найрангини йўқ қилиб юборадиган ҳассани инъом қилди, мўъжиза ўлароқ дарёни иккига ажратди ва душманларини ҳалокатга учратди.

- Бани Исроил Исо алайҳиссаломга номлари, оналари ҳамда пайғамбарликлари борасида озор берди ва курашди. У зотни ўлдирмоқчи бўлишди,

йўлида сарф қилдилар. Охир-оқибатда эса Сиддик лақабини олдилар.

- Ҳазрат Умар ибн Хаттоб розияллоху анху инсонлар ўртасида адолат қилиш, зоҳидлик, жиҳод, эҳсон ва яхшиликлар билан ўтган ҳаётларининг охирида меҳробда конга булғандилар.

- Ҳазрат Усмон ибн Аффон розияллоху анхуни Қуръон тиловат қилиб турган вақтларида қилич билан чопдилар. Ваҳоланки, у зотнинг умрлари Қуръонни етказиш учун сарф этилганди.

- Ҳазрат Али ибн Абу Толиб розияллоху анху канчадан-қанча ўринларда қурбонликлар, ёрдам, содиқлик ва ўзларини фидо қилиб умр ўтказганларидан сўнг масжидда хиёнаткорона ўлдирилдилар.

- Ҳусайн ибн Али розияллоху анху зулм ва адоват қиличидан шаҳид этилдилар.

- Саид ибн Жубайр олим ва зоҳид эдилар. Ҳажжож у зотни ўлдирди ва гуноҳларига қолди. Абдуллоҳ ибн Зубайр Ҳажжожнинг қўлида Ҳарами шарифда шаҳид бўлдилар.

- Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳақ йўлида қамалдилар ва қалтакландилар.

- Имом Абу Ҳанифа Абу Жаъфар Мансур тарафидан қалтакландилар. Охир-оқибатда эса аҳли сунна вал жамоанинг имомига айландилар.

МУНДАРИЖА

Диний нашр

Доктор Оиз Қарний

БАХТЛИ БЎЛМОҚ УЧУН

Масъул муҳаррир *Даврон Нурмуҳаммад*

Рассом-дизайнер *Равшан Маликов*

Техник муҳаррирлар:

Татъяна Харитоновна, Саодат Ҳабибуллоҳ қизи

Мусаҳҳиҳ Гулнора Паттохова

Кичик муҳаррир *Матлуба Салимова*

Компьютерда саҳифаловчи *Акмал Сулаймонов*

Нашриёт лицензияси AI № 158.14.08.2009.
Босишга 2020 йил 28 февралда рухсат этилди.
Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет қоғози.
«Times New Roman» гарнитурасида офсет усулда босилди.
Шартли босма табоғи 7,14. Нашр табоғи 5,34.
Адади 3 000 нусха. Буюртма № 20-131.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлигининг «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

*e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz*

УЎК 28-055.2
КБК 86.38
Қ 24

Қ 24 Қарний, Оиз.
Бахтли бўлмоқ учун [Матн] / Доктор Оиз Қарний. – Тош-
кент: «O'zbekiston» НМИУ, 2020. – 104 б.

ISBN 978-9943-25-961-4

УЎК 28-055.2
КБК 86.38